КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ!

ҚАДРЛИ ҚИШЛОҚ МЕҲНАТКАШЛАРИ!

• ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИ, ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ МУРОЖААТИГА ЖАВОБАН ДАЛАЛАРДА ЖАСОРАТ КЎРСАТАЙЛИК. • ОБ-ҲАВО ҚИЙИНЧИЛИКЛАРИНИ ЕНГИБ, ҒЎЗА ПАРВАРИШИНИ КУЧАЙТИРАЙЛИК • ГЕКТАРЛАРДА МАЖБУРИЯТНИНГ БАЖАРИЛИШИНИ ТАЪМИНЛАЙДИГАН ҲОСИЛ ЕТИШТИРАЙЛИК • АГРЕГАТЛАРНИНГ ТЎЛА УНУМ БИЛАН ИШЛАШИГА ЭРИШАЙЛИК.

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 111 (7501).

9 ИЮНЬ СЕШАНБА 1981 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.



Ҳар гектаридан камида 45 центнердан ҳосил етиштирамиз!

Ўрта Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхознинг ўртоқ Малик Турсунов бошлиқ бригадаси деҳқонлари область партия комитети, область ижроия комитетининг Мурожаатига жавобан зиммаларига ана шундай юксак мажбурият олдилар. Шу кунларда далаларда ғўза парваришн қизғинлаб юборилди. Суратларда: [чапда] донгдор механизатор Ҳаким Умиров; [пастда] культивация пайти.

А. Абалян фотолари.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

Тошкент область партия комитети Оҳангарон районидаги «Ғаллақудуқ» совхоз-саноат комплекси партия комитети ва маъмуриятининг 1981 йилда бошоқли дон ҳосилини уюшқоқлик билан қисқа муддатда ва нес-нобуд қилмасдан йиғиштириб олиш юзасидан тадбирларини маъқуллади.

(Тадбирлар газетанинг 3-бетида эълон қилинаяпти).

Район партия комитетлари, район ижроия комитетлари, область қишлоқ хўжалик органлари, хўжаликлар партия ташкилотлари ва раҳбарлари зиммасига:

Жиззах область партия комитети ва Оҳангарон районидаги «Ғаллақудуқ» совхоз-саноат комплексининг 1981 йилда бошоқли дон ҳосилини уюшқоқлик билан йиғиштириб олишни таъминлаш бўйича тадбирларини кенг муҳокама этиш; ҳар бир хўжалик, районда маҳаллий шароитдан келиб чиққан ҳолда етиштирилган бутун бошоқли дон ҳосилини ўриб-йиғиб олиш ва тайёрлашни 10—15 иш кунида тугаллаш учун конкрет тадбирлар белгилаш ва амалга ошириш;

ғаллакорлар ўртасида дон ҳосилини йиғиштириб олиш техникаси ва транспорт воситаларидан юксак унум билан фойдаланиш, ўрим-йиғим ишларини тезда тугаллаш, мўл ҳосил олиш, 1981 йилда дон етиштириш ва давлатга сотишни кўпайтириш учун таъсирчан социалистик мусобақа ўтказиш;

ўрим-йиғимни поток усулда ташкил этиш, буғдой ва арпанинг бутун сомонини чорва моллари учун жамғариб қўйилишини таъминлаш вазифаси юклатилди.

Область партия комитети область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармаси, мева-сабзавотчилик бўйича ишлаб чиқариш аграр бирлашмаси, «Ташоблсельхозтехника» бирлашмаси, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш ва сифати бўйича область давлат инспекцияси, область нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш бирлашмаси ва уларнинг жойлардаги органларига область хўжаликларига дон ўрим-йиғимини ва тайёрлашни ўтказиш, техникани ремонт қилиш, ўрим агрегатларини икки сменада ишлатиш учун уларга юқори малакали механизаторлар бириктириб қўйишда зарур ёрдам кўрсатишни топширди.

«Тошкент ҳақиқати», «Ташкентская правда» газеталари редакцияларига, область телевидениеси ва радиоэшиттириш бош редакцияларига илғор бригадалар, хўжаликлар ва районларнинг бошоқли дон ҳосилини қисқа муддатларда ва нес-нобуд қилмасдан йиғиштириб олиш соҳасидаги тажрибасини матбуотда, телевиденне ва радиоэшиттириш кўрсатувларида кенг ёритиш топширилди.

Қадрли шонли пахтакорларимиз, мўл ҳосил усталари! Йилдан-йилга сиз фидокорона меҳнат намуналарини кўрсатмоқдасиз. Леонид Ильич Брежнев «Олтин» деб таърифлаган сизнинг қўлларингиз, сизнинг юксак маҳоратингиз мўъжизалар яратмоқда. Сизнинг билим ва тажрибангиз, ҳар йили мўл ҳосил етиштириш бўйича интернационал бурчингизга садоқатингиз том маънода меҳнатга коммунистик муносабат намунасидир. Сизларнинг иш тажрибангиз, аввалги йилларда эришган натижаларингиз ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам рекорд ҳосил етиштириш мумкинлигини кўрсатмоқда. Ҳар гектар майдондан 45—60 центнердан ва ундан ҳам зиёд пахта етиштириш учун мусобақа ташаббускорлари бўлингиз.

(Тошкент область партия комитети, область ижроия комитети Мурожаатидан).

ҒАЛЛАКОРЛАРНИНГ ОБЛАСТЬ СЕМИНАРИДАН

ЎРИМНИ ТЕЗ ВА СОЗ ЎТКАЗАЙЛИК

Областимиз ғаллакорлари беш йилликнинг дастлабки йилида 68 минг тонна буғдой ва арпа етиштиришга сўз берганлар. Ғаллазорларда бу юксак мажбуриятга яраша ҳосил етиштирилган. Уни тез ва нес-нобуд қилмай йиғиштириб олиш ҳозирги асосий вазифадир.

Оҳангарон районидаги «Ғаллақудуқ» совхози дала шийпонида ўтказилган область семинарида ҳам бошоқли дон ҳосилини уюшқоқлик билан ўриб-йиғиб олишни пухта ташкил этиш тўғрисида гап борди. Семинарда область қишлоқ хўжалик органлари раҳбарлари ва мутахассислари, район қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармалари бош инженерларн ва бош агрономлари, «Госкомсельхозтехника» район бирлашмалари бош инженерлари, хўжаликлар мутахассислари иштирок этдилар.

Семинарда Тошкент область партия комитетининг секретари М. Қ. Кодиров доклад қилди. У КПСС XXVI съезди қарорлари асосида область ғаллакорлари олдида турган вазифаларга тўхталди.

Докладчи раҳбар ва мутахассислар диққат-эътиборини ҳамма жойда ипатоволиклар усули асосида ўрим-транспорт отрядларини ташкил этиш зарурлигига қаратди. Аввалги йиллар тажрибаси бу усул техникадан самарали фойдаланиш, ўрим даврида комбайнларнинг бекор туриб қолишига барҳам бериш, механизаторлар ўртасида социалистик мусобақани пухта ташкил этиш имкони беришини кўрсатган.

Ўрим олдидан ҳар бир даладаги ғалла ҳосилдорлигини аниқлаш, ғаллазорларда, айниқса, уруғлик учун мўлжалланган майдонларда дон сифатини текшириб кўриш зарур. Далалар акт бўйича бригада бошлиқлари ва комбайнчилар томонидан қабул қилиб олиниши лозим. Хўжаликлар ва районлар раҳбарлари актда кўзда тутилган талабларнинг бажарилиши устидан қатъий назорат ўрнатишлари керак.

Комбайнларни ғаллазорларга олиб чиқишдан аввал барча агрегатларнинг герметизацияси синчиклаб текшириб чиқилиб, дон нобуд бўлишининг олдини олиш чоралари кўрилиши талаб қилинади. Ғалла ҳосилини йиғиштириб олиш бўйича область ва район штаблари техниканинг бетўхтов ишлашини таъминлашлари лозим. Бунинг учун хўжаликларни ёнилғи-мойлаш материаллари, эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш пухта ташкил этилиши, комбайнлар, тракторлар, автомашиналар ва бошқа агрегатларни ремонт қилувчи техника хизмати иши қатъий назорат қилиниши зарур.

Ҳар бир районда ва хўжаликда социалистик мусобақа шартлари ишлаб чиқилиши, уларда моддий ва маънавий рағбатлантириш тадбирлари кўзда тутилиши керак. Ўрим даврида дала шийпонларида механизаторлар, колхозчилар, совхоз ишчиларининг унумли меҳнат қилишлари ва мириқиб ҳордиқ чиқаришлари учун қулай шароитлар яратилиши керак.

Область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари И. Қиёмов хўжаликларда ғалла ўримига техникани тайёрлаш, бу масъулиятли мавсумни уюшқоқлик билан ўтказиш соҳасида амалга оширилган ишлар тўғрисида гапириб берди.

«Ғаллақудуқ» совхозининг директори Г. П. Гриценко семинар қатнашчиларига хўжаликда ғалла ўрими ўтказишни ташкил этиш тажрибаси ҳақида сўзлаб берди.

Оҳангарон райони совхозларида ғалла ўримида иштирок этадиган техника воситаларига хизмат кўрсатиш қандай ташкил этилиши ҳақида «Госкомсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси Э. Х. Пўлатов гапириб берди.

Семинарда, шунингдек, Оҳангарон район ижроия комитетининг раиси А. И. Қосимов сўзга чиқди. У районда ўрим мавсумини муваффақиятли ўтказиш юзасидан ишлар чиқилган тадбирлар, оҳангаронликларнинг бу йилги мажбуриятлари, ҳақида сўзлаб берди.

Семинар қатнашчилари ўз тажрибалари билан ўртоқлашдилар ва Тошкент область партия комитети, область ижроия комитетининг Мурожаатига жавобан ғаллакорлар зарбдорларча меҳнат қилишлари ҳақида гапирдилар.

Семинар қатнашчилари «Ғаллақудуқ» совхозида ғалла ўрим-йиғимида иштирок этадиган техника воситаларининг мавсумга тайёрланиши билан танишишди. Хўжалик механизаторлари уларга ўрим комплексининг ишини намойиш қилдилар.

ОЛДИНГИ САФДА БЎЛАМИЗ

Область партия комитети ва область ижроия комитетининг Мурожаатида съездлар йили мўл ҳосили учун социалистик мусобақада комсомолёшларнинг биринчи сафда бўлишга даъват этилганлиги бригадамиз коллективини янги зафарларга руҳлантириб юборди. Улар шу кунларда пахта далаларида ёшларга хос ғайрат-шижоат билан меҳнат қилаётирлар.

Биз ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки йилида 77 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 55 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтариш мажбуриятини олганмиз. Далаларда бу ваъдага яраша мўл ва эртаги ҳосил етиштириш учун барча агротехника тадбирларини ўз вақтида, сифатли ўтказмоқдамиз.

Механизаторларимиз А. Ғафуров ва П. Абдулазизовлар ғўза қатор ораларига ўчинчи ишлов беряптилар. Культивация билан бир йўла ҳар гектар майдонга 200 килограммдан минерал ўғитлар солинмоқда.

Сувчиларимиз Б. Усмонов, О. Аҳмедов, Т. Каримовлар ёш бўлсалар-да, тажрибали деҳқонлардан қолишмай меҳнат қилишяпти. Улар ҳар томчи сув қадрига етиб, ғўзани оби-тобида суғоришяпти.

Биз ғўза парваришини область партия комитети ва область ижроия комитети Мурожаати асосида ташкил этиш учун барча чораларни кўрамиз. Юксак мажбуриятга яраша мўл ҳосил етиштирилгунга қадар пахтазорларда зарбдорларча меҳнат қиламиз.

Т. АБДУЛАЗИЗОВ,
Бекобод районидаги Ойбек номли совхознинг комсомол-ёшлар бригадаси бошлиғи.

Эл дастурхонини ноз-неъматларга тўкин қилишга муносиб ҳисса қўшиш учун курашаётган совхозимиз деҳқонлари ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йилида 5200 тонна сабзавот маҳсулотлари, 5100 тонна картошка етиштиришни мўлжаллаганлар. Ҳозирги кунларда бутун куч ва имкониятлар эртаги сабзавот ҳосилини йиғиштириб олиш, экинлар парваришини янада кучайтиришга қаратилган.

Область партия комитети ва область ижроия комитетининг Мурожаати совхозимиз коллективи кучига-куч, ғайратига-ғайрат қушди. Улар бу даъватга жавобан янада самарали меҳнат қилишга, белгиланган план ва олинган мажбуриятларни ошириб бажаришга ахд қилдилар.

Коллектив ўртасидаги мусобақада С. Раҳмонов, К. Ли, А. Жуманазаров, К. Бойчўпонов ўртоқлар бошлиқ бригадалар сабзаотчиларни пешқадамлик қилаётирлар. Улар экинлар парваришини юксак агротехника қоидалари асосида ташкил этиб, ваъдаларига яраша мўл ҳосил етиштиришмоқда.

«Иккинчи нон» ҳисобланган картошка етиштиришда эса С. Раҳмонов бошлиқ бригада деҳқонлари ўрнак кўрсатаётирлар. Уларнинг бу йил ҳар гектар майдондан 180 центнердан картошка етиштириш юзасидан бошлаган ватанпарварлик ташаббуси район партия комитети томонидан маъқулланган.

Совхозимиз меҳнаткашлари съездлар йили юксак марраларини эгаллаш учун кучғайратларини аямайдилар. Сабзавот, картошка ва бошқа экинлардан мўл ҳосил етиштириб, коммунистик маъмурчилик яратишга муносиб улушларини қўшадилар.

Ж. ДАРХОНБОЕВ,
Оҳангарон районидаги Жуков номли совхоз директори.

МАЪМУРЧИЛИК ЙЎЛИДА

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ИШЧИ-ҚИШЛОҚ МУХБИРЛАРИ СЛЁТИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИНГ ОБЛАСТДАГИ БАРЧА ИШЧИ ВА ҚИШЛОҚ МУХБИРЛАРИГА

МУРОЖААТИ

Ҳурматли ишчи ва қишлоқ мухбирлари, матбуот, телевидение ва радио активлари!

Ишчи-қишлоқ мухбирларининг область слёти ажойиб дамларда ўтмоқда. Барча совет кишилари қаторн матбуот, телевидение ва радионинг кўп сонли штатсиз активлари отрядн ҳам КПСС XXVI съезди тарихий қарорларини, ўртоқ Л. И. Брежневнинг съездда қилган Ҳисобот докладини қалбга чуқур жо этган ҳолда меҳнат қилмоқда. Съезд ҳужжатларида коммунистик қурилишнинг янги босқичдаги ва яқин келажакдаги улуғвор вазифалари, жонажон Ватанимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини янада ошириш, совет кишилари турмуш фаровонлигини ўстиришн тадбирлари белгилаб берилди.

Съездда оммавий ахборот ва пропаганда воситалари фаолиятига юксак баҳо берилди. Бу баҳо идеология фронтининг барча жангчиларини, шу жумладан матбуот, телевидение ва радионинг штатсиз активларини партия иши учун, коммунистик ғоялар тантанаси учун курашда янада актив ва изчил меҳнат қилишга даъват этади.

Съезд қарорларидан руҳланган областимиз меҳнаткашлари барча совет кишилари қатори ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йили учун юксак марраларни белгиладилар. Ишчилар синфи йиллик программани муддатидан олдин бажариб, қўшимча 80 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга ахд қилган. Қишлоқ меҳнаткашлари яна ҳам юксак мажбуриятлар олган ҳолда ишламоқдалар. Бу йил она-Ватан тошкентлик пахтакорлардан камида 435 минг тонна «оқ олтин» қабул қилиб олади.

КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди қарорлари кишиларни янги ватанпарварлик ташаббусларига илҳомлантирмоқда. Москвалик ва ленинградлик ташаббускорлар ҳаракатига қўшилган областимиз меҳнаткашлари йиллик планни Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 64 йиллигигача бажариш учун кураш бошладилар. «Қолоқларсиз, самарали ва сифатли ишлайлик!», «Ёш ишчига—устоз марраси» каби ватанпарварлик ҳаракатлари оммавий тус олмоқда. Кўплаб ишлаб чиқариш илғорлари республиканинг ўн беш новаторига издош бўлиб, бир беш йилликда икки беш йиллик планини ва ундан ҳам кўпроқ топширинқни бажаришга отланмоқдалар. Илғор ишчилар, пахтакорлар, ғаллакорлар, чорвадорлар, сабзавотчилар бошлаб берган қимматли ташаббусларни область партия комитети қизғин маъқуллади. Бу ташаббускорлар орасида ишчи-қишлоқ мухбирлари ҳам оз эмас.

Ўн биринчи беш йиллик планларини муваффақиятли бажариш партиянинг, барча совет халқининг энг муҳим сиёсий ишидир. Пропаганда ва агитация воситалари съезд қарорларини бажариш юзасидан бошланган зўр меҳнат кўтаринкилигини янада ўстиришга, ташаббус туфайли туғилаётган янгиликларни қўллаб-қувватлашга, социалистик мусобақа роли ва таъсирчанлигини оширишга даъват этилгандир. Бу муҳим вазифаларни бажаришда матбуот, телевидение ва радио эшиттиришларининг штатсиз активлари бўлган бош мухбирларнинг илҳомбахш сўзлари катта роль ўйнайди. Биз энг аввало меҳнаткашларни план ва социалистик мажбуриятларнинг бажарилишига сафарбар этишда, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва маҳсулот сифатини ошириш учун курашда, меҳнат интизомини мустаҳкамлашда партия ва совет ташкилотларига ҳар томонлама доимий ёрдам кўрсатишимиз керак.

Ишлаб чиқаришнинг барча участкаларида тартиб ва интизом ўрнатишга кўмаклашиш, топширилган иш учун кишиларда масъулият ҳиссини ошириш, ишлаб чиқаришни бошқаришга ишчилар, колхозчилар ва хизматчиларни жалб этиш, хўжалик, ишлаб чиқариш ва соцнал масалаларни планли равишда ҳал этиш учун курашиш, халқ хўжалигининг барча соҳаларида иқтисодий тежамкорлик режимини кучайтириш бизнинг муҳим вазифамиздир. Ҳамма жойда—корхона ва қурилишда, ўқув юрти ва турар-жойда хўжасизлик ва талон-тарожлик барҳам топсин. Партия съезди талаб қилганидек, экономика тежамли бўлсин. Ҳар бир меҳнаткаш ўз меҳнатига, ижтимоий мулкка мана шу кўз билан қараши керак.

Аҳоли учун кенг истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, маиший ва савдо хизмати корхоналари иши устидан назорат ўрнатиш биринчи навбатда ишчи-қишлоқ мухбирлари вазифасидир. Хизмат яхши бўлса кишиларнинг кайфияти ҳам яхши бўлади, ишларга барака киради. Шунинг учун меҳнат ва маиший турмуш шароитини яхшилаш устида ғамхўрлик қилиш энг муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Ишчи-қишлоқ мухбирлари зиммасига колхоз ва совхоз ишлаб чиқариши новаторлари ташаббусини кенг пропаганда қилиш, техникадан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишдаги тажрибаларни оммалаштириш вазифаси юкланган. Шу билан бирга хўжасизликка йўл қўйётган, имкониятларни бой бераётган кишиларни аёвсиз танқид ҳам қилиш керак.

Ўртоқ Л. И. Брежнев чорвачилик қишлоқда зарбдор фронт, деган эди. Чорвачиликни янада ривожлантиришга кўмаслашиш қишлоқ мухбирининг муҳим вазифасидир.

Биз ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йили учун қабул қилинган социалистик мажбуриятларнинг қандай бажарилаётганлигини доимо назорат қилиб боришимиз лозим. Белгиланган марраларни эгаллашда қўл келаётган резервлар, илғор тажрибаларни тўлароқ очиб бериш муҳим ишдир.

Қадрли ишчи ва қишлоқ мухбирлари! КПСС XXVI съезди идеология ишлари мазмуни ва формаларини янада бойитиш, унинг кўпгина участкаларини қайта қуриш, совет кишилари талаб ва эҳтиёжларига тўлароқ жавоб бериш лозимлигини уқтирди. Идеология ва сиёсий-тарбиявий ишлар самарадорлигини оширишда партия ташкилотларига яқиндан ёрдам берингиз! Тарбиявий ишга комплекс ёндашув асосида олиб борилаётган қимматли ва фойдали ишларни ишонарли, чуқур мазмунли қилиб ёритингиз. Биз ўткир темаларни четлаб ўтмаслигимиз, қийин масалалардан чўчимаслигимиз керак.

Ишчи-қишлоқ мухбири ўз маҳоратини доимо ошириб борса, ғоявий-назарий билимини ўстирса, иқтисодий билимларни пухтароқ эгалласа обрўси яна ҳам баланд бўлади.

КПСС XXVI съезди совет журналистлари матбуотнинг кўп миллионли активлари билан биргаликда партия журналистикасининг ленинча принципларн ва анъаналарига амал қилган ҳолда, ҳамиша юксак даражада ижтимоий активлик кўрсатиб ва масъулиятни сезиб иш кўрадилар, деб ишонч билдирди. Ленинчи коммунистлар партиясининг содиқ ёрдамчилари бўлайлик, юксак ишончни шараф билан оқлайлик. Матбуот, телевидение ва радиодаги актив иштирокимиз область меҳнаткашларини КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди қарорларини, ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йили учун қабул қилинган план ва социалистик мажбуриятларни бажаришга сафарбар этишга хизмат қилсин.

Ушбу мурожаат область ишчи-қишлоқ мухбирларининг 1981 йил 6 июнда бўлиб ўтган слётида қабул қилинган).

ҲУРМАТ ТАХТАСИ

ДАВЛАТГА пилла сотиш планини муддатидан илгари бажарганликлари учун қуйидагилар область Ҳурмат тахтасига ёзиладилар:

ҒАЛАБА РАЙОНИДАН:

Киров номли колхоз (раиси Н. Қаржаулов, партия ташкилоти секретари Ж. Абдулбеков, касаба союз комитети раиси Н. Гремихина, комсомол комитети секретари А. Эшонқулов, пиллачилик агротехниги Т. Сафаралиев).

«Победа» колхози (раиси Н. И. Пак, партия ташкилоти секретари Т. Холтурсунов, касаба союз комитети раиси Т. Нурбеков, комсомол комитети секретари Е. Қорабоев, пиллачилик агротехниги Т. Мирзабоев).

Энгельс номли колхоз (раиси В. С. Ким, партия ташкилоти секретари Ж. Турсунов, касаба союз комитети раиси А. А. Ким, комсомол комитети секретари К. Эшмуродов, пиллачилик агротехниги А. Пак).

Свердлов номли колхоз (раиси И. Юнусов, партия ташкилоти секретари А. Даврншев, касаба союз комитети раиси Д. Раҳимова, комсомол комитети секретари А. Холиқов, пиллачилик агротехниги Т. Мухатов).

«Заря коммунизма» колхози (раиси В. А. Хан, партия ташкилоти секретари К. Першеев, касаба союз комитети раиси И. Тян, комсомол комитети секретари И. А. Ким, пиллачилик агротехниги Ю. Муротов).

«Москва» колхози (раиси У. Шубладзе, партия ташкилоти секретари Р. Тошев, касаба союз комитети раиси Т. Тоштанов, комсомол комитети секретари Б. Мажидов, пиллачилик агротехниги М. Абдуллаева).

Димитров номли колхоз (раиси А. Я. Ким, партия ташкилоти секретари Л. Н. Пак, касаба союз комитети раиси У. Ўрозов, комсомол комитети секретари Р. Д. Пак, пиллачилик агротехниги К. Бойбутаев).

Ҳамза номли колхоз (раиси Д. Бойбутаев, партия ташкилоти секретари С. Тунгатов, касаба союз комитети раиси С. Бектоев, комсомол комитети секретари А. Булутбоев, пиллачилик агротехниги Т. Суронқулов).

«Коммунизм» совхози (директори А. Чахалов, партия ташкилоти секретари А. Ҳасанов, ишчилар комитети раиси Ў. Тагабоев, комсомол комитети секретари Т. Маҳамадиёров, пиллачилик агрономи А. Носиров).

«Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози) директори С. Зокиров, партия ташкилоти секретари А. Хўжақулов, ишчилар комитети раиси А. Алиев, комсомол комитети секретари Ю. Аҳмедов, пиллачилик агротехниги С. Ойбашева).

Калинин номли совхоз (директори Ж. Омонов, партия ташкилоти секретари Х. Айтбеков, ишчилар комитети раиси Қ. Йўлдошев, комсомол комитети секретари Н. Исабоев, пиллачилик агрономи Л. Омонжалова).

ТОШКЕНТ РАЙОНИДАН:

Охунбобоев номли колхоз (раиси З. Жалилов, партия ташкилоти секретари Н. Лутфиллаев, касаба союз комитети раиси Р. Аҳмедов, комсомол комитети секретари М. Еқубова, пиллачилик агротехниги И. Нуртоев).

ИШЧИ-ҚИШЛОҚ МУХБИРЛАРИНИНГ ОБЛАСТЬ СЛЁТИ

6 июнда Тошкент область ишчи-қишлоқ мухбирларининг слёти бўлиб ўтди.

Тошкент область партия комитетининг секретари **А. М. Хўжаев** «КПСС XXVI съезди қарорлари асосида область ишчи ва қишлоқ мухбирларининг вазифалари» деган мавзуда доклад қилди.

Докладчи шуни таъкидладики, КПСС XXVI съездининг тарихий қарорларида, ўртоқ Л. И. Брежневнинг Ҳисобот докладида бизнинг ривожланган социалистик жамиятимиз ҳаётида матбуотнинг роли ошганлиги айтилган. «Бизнинг партиямиз совет журналистларининг кўп минг кишилик отрядига зўр ишонч билан қарайди, уларнинг оғир меҳнатини гоят қадрлайди, — деди ўртоқ Л. И. Брежнев. — Табиийки, оммавий ахборот ва пропаганда воситаларимизнинг ҳамиша партия ва умумхалқ жамоатчилик фикрининг чинакам минбари бўлиб қолишидан ҳаммамиз манфаатдормиз».

Съезд ҳужжатлари гояларининг бойлиги ва чуқур мазмунини ҳар бир коммунистга, ҳар бир совет кишисига етказиш, уларни севикли Ватанимиз фаровонлиги йўлидаги ишлар ва янги зафарларга айлантириш — актуал, умумпартиявий вазифадир. Бу муҳим ишда матбуот, телевидение ва радиога катта ўрин берилади. Идеология фронтининг ҳамма жангчилари партия иши учун, коммунистик ғоялар тантанаси учун актив, қатъий, мақсадни кўзлаб ва изчиллик билан кураш олиб боришлари зарур. Профессионал журналистлар сингари ишчи ва деҳқон мухбирлари ҳам газета саҳифалари ва теле-радио эшиттиришларида партия XXVI съезди ғояларини чуқур ҳамда оммабоп қилиб тарғиб қилишни, меҳнат коллективларини 1981 йил ва умуман беш йиллик планларини сўзсиз бажаришига сафарбар этишни ўзларининг биринчи даражали бурчлари деб ҳисобламоқдалар.

Совет матбуоти, В. И. Ленининг ибораси билан айтганда социалистик қурилиш қуролидир. Унинг кучи партия раҳбарлигида, халқ билан яқин ва чамбарчас алоқасидадир. Бизнинг мамлакатимизда ишчи ва деҳқон мухбирларини алоҳида меҳр ва ҳурмат билан бош мухбирларимиз деб атайдилар. Бу гапнинг чуқур маъноси бор. Одатда матбуот, телевидение ва радиоэшиттириш активистлари — партия қарорларини амалга оширишда, план ва социалистик мажбуриятларни бажариш учун курашда партия ташкилотларининг ҳақиқий ёрдамчиларидир. Яқинда бўлиб ўтган ишчи-қишлоқ мухбирларининг шаҳар ва район слётлари бу кўнгилли ёрдамчилар меҳнат коллективи, район, шаҳар, область ҳаётини ёритишда катта ҳисса қўшиб келаётганлигини яна бир бор кўрсатди.

Пойтахт областида ҳозирги вақтда 2 та область, 5 та шаҳар, 14 та район ва 45 та кўп тиражли газеталар чиқиб турипти. Телевидение ва радиоэшиттириш область редакциялари, шаҳар ва район радиоэшиттириш редакциялари ҳам самарали ишламоқдалар. Ҳар бир редакцияда ишчи ва қишлоқ мухбирлари толмай, ташаббус кўрсатиб меҳнат қилишмоқда.

Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди ва КПССнинг XXVI съездига тайёргарлик бораётган пайтдаёқ область матбуоти меҳнат коллективларидаги социалистик мусобақани кенг ёритди. КПСС Марказий Комитетининг «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йиллар ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари» лойиҳасини муҳокама қилишда актив қатнашди, съезд делегатлари тўғрисида лавҳа ва очерклар эълон қилди. Газеталарнинг саҳифаларида кўплаб ишчилар, колхозчилар, инженерлар, ўқитувчилар, врачлар, олимлар, партия, совет, касаба союз ва комсомол ходимлари қизиқарли, мазмунли мақола ва хабарлари билан қатнашдилар.

Ҳозирги вақтда кўпгина газеталаримиз «КПСС XXVI съезди қарорлари — ҳаётга!», «Съезд ғоялари — оммага», «Тарбия ишига комплекс ёндашайлик», «Экономика тежамли бўлсин», «Хўжалик механизмини такомиллаштирайлик» каби рубрикалар бериб боришмоқда. Ҳар вақтдагидек редакция коллективларига ишчи ва қишлоқ мухбирлари яхши ёрдам бериб туришти.

Партия XXVI съезди қарорлари ва КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида» ги қарорига амал қилиб, фактларни баён қилишнинг самаралироқ формаларини излаб топаётган, уларни чуқур умумлаштиришга эришаётган матбуот органларининг фаолияти диққатга сазовордир.

Маълумки, белгиланган юксак натижаларга эришишда меҳнат беллашуви муҳим омил ҳисобланади.

Меҳнат беллашувини ёритишга, илғорлар тажрибасини тарғиб қилишга катта эътибор бериб газеталаримиз тўғри иш тутмоқдалар. «Ангренская правда» газетасининг деярли ҳар бир сонида «Мусобақа маршрутлари» рубрикаси остида хабарлар, шу мавзуда бошқа материаллар эълон қилиб борилмоқда. Ҳар ойда махсус тематик саҳифалар тайёрланмоқда. Ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари, у ёки бу ватанпарварлик ҳаракатининг ташаббускорлари мақола авторлари бўлиб чиқмоқдалар. Журналистлар ишчи-мухбирларга мавзуни тўғри танлашда, уни аниқ баён қилишда ёрдам бермоқдалар. Бир қатор объектларда, шу жумладан Янги Ангрен ГРЭСи қурилишида редакциянинг ишчи мухбирлар постлари ишлаб турипти.

Қишлоқ мухбирларининг таклифи билан Коммунистик районидаги «Суръат» газетасида «Паркент канали қурилишидаги» рукн очилган. Газетанинг штатсиз активлари бу зарбдор қурилишдаги камчиликларни қатъият билан аниқлаб, уларни ўз вақтида бартараф этишга ёрдамлашмоқдалар. «Правда» колхозидан, район партия комитетининг аъзоси Мурувват Ҳасанова, Ўзбекистон Компартияси XX съездининг делегати Музаффар Қобулов, «Паркентводстрой» трести мухбирлар постининг раҳбари Ҳидоят Иноятов «Суръат» газетасининг актив авторларидир.

Меҳнаткашларнинг хатларни редакция коллективларининг корхонадар, қурилишлар, ташкилотлар, муассасалар ва хўжаликлар билан яқин алоқасининг ўзига хос барометри ҳисобланади. Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатмоқдаки, хатлар сони кейинги вақтда анча кўпайган. Мана, конкрет маълумотлар. Агар 1976 йилда шаҳар ва район газета редакцияларига 20 минг хат келган бўлса, ўтган йили уларнинг сони 23 мингдан ортди. Штатсиз мухбирлар сони шу вақт ичида 1420 дан 2106 га етди.

Бу борада Галаба районидаги «Ленин йўли» газетаси редакцион коллегиясининг самарали фаолиятини таъкидлаш мумкин. Бу ерда ҳамма хўжаликларда мухбирлар постлари тузилган. Йиллик ишчи-қишлоқ мухбирлар мактаби муваффақиятли ишлаб турипти. Беш йил ичида бу мактабни 185 киши битириб чиқди. Редакция ҳузурида 3 та штатсиз бўлим, янги урфодат ва анъаналарни тарғиб қилиш, турмуш маданияти совети ишлаб турипти.

Шу йўналишда Бўка район «Пахтакорлар овози» газета редакцияси ҳам дуруст ишлаяпти. Бу редакция ҳузуридаги 5 та штатсиз бўлим ва 21 та мухбирлар пости яхши ишларни амалга оширди. Бу ерда ишчи-қишлоқ мухбирлари университети ишламоқда. «Чашма» адабий уюшмасининг обрўси ортиб бормоқда. Унинг составида 24 киши бор. Пискент районидаги «Меҳнат байроғи» газетаси социалистик мусобақани яхши ёритганлиги учун СССР Журналистлар союзининг Фахрий ёрлиги ва «Журналист» журналининг Дипломига сазовор бўлди. Штатсиз активлар билан бундай мақсадга йўналтирилган, изчил иш редакция коллективларига мавзуларни кенгайтириш имконини беради.

Ана шу ва бошқа район газеталари редакциялари штатсиз авторлар активи билан ишлашнинг формаларини хилма-хил қилишга интилмоқдалар. Бу редакцияларда ишчи-қишлоқ мухбирларини энг актуал мавзуларга яхши йўналтирадилар.

Шу билан бирга айрим редакцияларда келаётган хатлар сони камаяётганлиги кузатилмоқда. Жумладан, хатлар Коммунистик, Чиноз, Янгийўл районларининг газета редакцияларида анча кам олинадиган бўлиб қолди. Бу — редакцияларнинг авторлар активи билан ишни бўшаштириб юборганлиги натижасидир.

Қуйидаги фактлар ҳам ташвишлантирмай қолмайди. Кўпгина редакция коллективлари штатсиз активлар ўқишини ташкил қилишга чинакамига — киришмаганлар. «Оҳангарон» газетаси, Тошкент районидаги «Шонли меҳнат», Чиноз районидаги «Ленин байроғи» газета редакциялари ишчи-қишлоқ мухбирларининг ўқувини ташкил қилишларига нима ҳалақит беряпти? Аввало, муҳим ишга масъулиятсизлик билан муносабатда бўлинаётганлигидир.

Деворий газета активларининг катта отряди ўқувини ҳам унутмаслик керак. Бунинг учун биз Бекобод район «Коммунист» газетаси редакцияси ва бошқа айрим матбуот органларига ҳақли равишда эътироз билдирамиз. Энг яхши редакциялардан намуна олиб, деворий газета активлари билан тажриба алмашиш юзасидан мунтазам семинарлар ўтказиш, уларни ишчи-қишлоқ мухбирлари мактабларини ва университетларига жалб қилиш, энг яхши деворий газета учун ҳар йили конкурслар ўтказиб туриш лозим.

Кейинги йилларда шаҳар ва район радиоэшиттириш редакцияларининг фаолияти анча активлашди. Ўтган йили редакциялар 10 мингга яқин хат олди. Бу 1976 йилдагига нисбатан қарийб икки марта кўпдир. Штатсиз мухбирлар сафлари кенгайди. Агар 1976 йилда улар 405 кишини ташкил қилган бўлса, ҳозир маҳаллий радиоэшиттиришларда қарийб 800 ишчи ва қишлоқ мухбири актив иштирок этмоқда. 87 штатсиз бўлим ва 191 мухбирлар пости ишлаб турипти.

Оққўрғон, Тошкент ва Янгийўл район радиоэшиттиришлар редакциялари самарали ишламоқда.

Шу билан бирга, маълумки, ҳамма радиоэшиттиришлар саноат корхоналари, хўжаликлар, ташкилотлар коллективларининг ҳаёти ва меҳнат фаолиятидан олинган конкрет фактлар асосига қурилиши, мазмунан чуқур, жанр жиҳатдан хилма-хил бўлиши керак.

Афсуски, бизнинг кўпгина радио редакцияларимиз жанрлар хилма-хиллиги билан мақтана олмайдилар, турли формалардан моҳирлик билан фойдалана олмаяптилар. Кўпинча радио эшиттиришларида хабар ва корреспонденция кўп ўринни олиб қўяди. Авторлар очерк ва лавҳага, ёркин репортажга камдан-кам мурожаат қиладилар. Меҳнаткашлар хатларида маълум қилинадиган фактлардан кам, кўпинча юзаки фойдаланилади.

Шаҳар ва район партия комитетлари уларнинг ойлик ва квартал планларини тасдиқлабгина қолмай, бу планларнинг бажарилишини пухта назорат қилиб боришлари, чиқишларнинг таъсирчанлигини оширишга амалий ёрдам кўрсатишлари, қилинган иш тўғрисида, авторлар активининг фаолияти тўғрисида редакторларнинг ҳисоботини мунтазам эшитишлари керак. Бироқ, фактлар айрим шаҳар ва район партия комитетларида планлар фақат пропаганда ва агитация бўлимларида кўрилаётганлигидан далолат бериб турипти. Бекобод, Янгийўл, Олмалиқ шаҳар, Галаба, Оққўрғон район партия комитетлари радиоэшиттиришлар редакциялари ишини янада яхшилаш тадбирларини йиллаб муҳокама қилмайдилар.

Олмалиқ, Бекобод, Янгийўл ва бошқа шаҳар радиоэшиттириш редакцияларига меҳнаткашлардан хатлар келмаётганлиги фактини кўп жиҳатдан ана шу билан изоҳлаш мумкин. Бу редакцияларда штатсиз бўлимлар ва жамоатчи советлар йўқ. Ишчи мухбирлари постлари тузиш тўғрисида қайғурилмайди. Ваҳоланки, энг яхши радио эшиттириш редакцияларининг тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, штатсиз активлар кўп ишларни қилмоқда, улар меҳнаткашларни коммунистик тарбиялашда муҳим роль ўйнаши керак.

Область партия комитети редакциялар ишини такомиллаштиришга ҳамиша катта эътибор бериб келмоқда. Газета, телевидение ва радио эшиттириш редакциялари ахборотлари ҳамда ҳисоботларини тинглаб бориш тажрибаси амалда кенг қўлланилмоқда. «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталарининг меҳнаткашлар хатлари ва шикоятлари билан ишлаш юзасидан фаолияти атрофлича муҳокама қилинди. Қатор район ва шаҳар газеталари редакторларининг активлар билан ишлаш, газеталарда эълон қилинаётган материаллар таъсирчанлигини ошириш бўйича ахборотлари тингланди.

Область партия комитети ҳузурида оммавий ахборот ва пропаганда воситалари ишини координациялаш, улар самарадорлигини ошириш штатсиз совети ишлаб турибди.

Район газеталари ва маҳаллий радио эшиттириш редакцияларида журналистларининг ҳар кварталда ўтиб турган зонал летучкалари ижодкорлар маҳоратини оширишда катта роль ўйнамоқда. Бу летучкаларда газета материаллари ва радио эшиттиришлари темалар бўйича обзор қилиб борилмоқда. Район партия комитетлари секретарлари ва бўлим мудирлари район хўжалигини янада ривожлантириш проблемалари, партия ташкилотлари олдидаги вазифалар тўғрисида летучкаларда сўзлаб бермоқдалар. Летучка қатнашчилари маълум темалар бўйича ўзаро тажриба алмашмоқдалар.

Журналистларнинг область партия комитети бюро аъзолари билан учрашувлари, матбуот конференциялари мунтазам ўтиб турибди. Бундай учрашувларда редакция ходимларига экономика, фан ва маданиятни янада ривожлантириш билан боғлиқ бўлган ахборотлар бериб турилибди.

Кўпгина газеталар партия комитетлари ёрдамида ватанпарварлик ташаббусларини кенг оммалаштирмоқдалар. Галаба район «Ленин йўли» газетаси саҳифасида «Коммунизм» совхозининг илғор бригада бошлиғи Турди Қосимованинг юксак пахта ҳосили учун курашга чорловчи мурожаати эълон қилинди. Бу ташаббусга қўшилган 14 бригада гектар бошига 60 центнердан, 15 бригада 50 центнердан, қарийб 80 бригада 40 центнер ва ундан ҳам ошириб ҳосил олишга интилмоқда. Бўка район газетаси эса «Ленин йўли» колхози илғор бригадаларининг гектар бошига 50—60 центнердан ҳосил олиш учун кураш бошлаганликларини маълум қилди.

Ангрен, Чирчиқ шаҳарлари, Бўка район партия комитетлари ўз матбуот органлари фаолиятига моҳирлик билан раҳбарлик қилмоқдалар. Редакциялар ишини планлаштириш, муҳим проблемалар юзасидан маслаҳатлар бериш, ташаббусларни қўллаб-қувватлаш, журналистлар, ишчи-қишлоқ мухбирлари фаолиятини активлаштириш юзасидан муҳим тадбирларни кўрмоқдалар.

КПСС XXVI съезди қарорларида, КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида» қабул қилган қарорида оммавий ахборот ва пропаганда воситалари фаолиятини, ишчи-қишлоқ мухбирлари ҳаракатини янада такомиллаштириш юзасидан партия ташкилотлари олдига муҳим вазифалар қўйилди. Партия комитетлари кичик нуқсонларни ҳам эътибордан четда қолдирмасликлари керак. Улар шаҳар, район, кўп тиражли ва деворий газеталар, ишчи-қишлоқ мухбирлари эътиборини меҳнатдаги пировард натижага қаратишлари лозим. Ҳали ҳам айрим газеталар саҳифаларида, радио эшиттиришлари, телевидение кўрсатувларида қуруқ чақириқлар тез-тез учраб туради, коллектив ҳаётига чуқур кириб борилмайди.

КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди қарорлари журналистлар, ишчи-қишлоқ мухбирлари олдига фахрли ва масъулиятли вазифалар қўйди. Газета саҳифаларида эълон қилинаётган материалларда экономикани интенсив ривожлантириш йўллари, иш сифати ва самарадорлигини ошириш резервлари, илмий-техника тараққиёти, меҳнат унумдорлигини ўстириш омиллари ҳар томонлама чуқур анализ қилиниши лозим. Илғор коллективлар ва ишлаб чиқариш новаторлари тажрибасини ҳар томонлама оммалаштириш зарур. Туғилаётган ташаббуслар ва ватанпарварлик ҳаракатлари редакция журналистлари, жамоатчи активлар эътиборидан четда қолмаслиги керак.

Журналистлар, ишчи ва қишлоқ мухбирлари меҳнати мураккабдир. Улар ҳамиша изланишда бўлишлари лозим. Шу боисдан ҳам партия комитетлари журналистларнинг голявий ва профессионал маҳоратини ошира боришлари, уларни сиёсий жангчи қилиб тарбияшлашлари, обрў-эътиборларини ҳар томонлама ўстиришлари лозим. Партия комитетлари эълон қилинаётган материалларнинг актуаллиги ва таъсирчанлиги, уларнинг ёритилиш формаларига ҳамиша катта эътибор билан қарашлари керак. Қимматли ташаббусларни қўллаб-қувватлашлари ва уларни кенг ёйиш устидан ғамхўрлик қилишлари зарур.

Партия комитетлари ва бошлангич партия ташкилотлари идеологик, сиёсий-тарбиявий ишлар форма ва методларини такомиллаштириш, хўжаликка раҳбарлик, коммунистларнинг ишлаб чиқаришдаги ва ижтимоий ҳаётдаги авангардлик ролини ошириш юзасидан бериладиган материаллар тематикасини ишлаб чиқишда ўз матбуот органларига ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатишлари лозим.

Ишчи-қишлоқ мухбирлари ёрдамида коллективларда олиб борилаётган идеологик ва сиёсий-тарбиявий ишларни кенг ёритиш, асосий эътиборни унумли меҳнат қилиш, турмуш маданиятини ошириш бўйича яратилаётган шароитларга қаратиш зарур. Негаки, мана шу шароитлар кўп жиҳатдан ишнинг муваффақиятини таъминлайди.

КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди қарорлари матбуот, телевидение ва радио редакциялари, барча журналистлар, ишчи ва қишлоқ мухбирлари учун конкрет ҳаракат программасидир, деди пировардида докладчи. Съезд қарорлари асосида илмий-техника тараққиётини тезлаштириш, фан ва техника ютуқларини халқ хўжалигига жорий этиш, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва маҳсулот сифатини ошириш, меҳнат унумдорлигини ўстириш, материал ва хомашёлардан тежаб-тергаб фойдаланиш юзасидан бажарилаётган ишларни кенг кўламда, турли форма ва жанрларда малакали ёритиш талаб этилади. Илғор коллективлар ва ишлаб чиқариш новаторларига кенг минбар бериш билан бирга йўл қўйилаётган нуқсонларни ишончли фактлар билан танқид қилиш, камчиликларни бартараф этишга актив кўмаклашиш зарур.

«Газета ёки журналда босиб чиқариладиган ҳар бир мақолани, телевидение ёки радионинг ҳар бир эшиттиришини фактларнинг ҳаққоний ва оператив баён этилишингина эмас, уларнинг чуқур анализ қилиб берилишини, жиддий умумлашмаларни ҳам кутаётган киши лар билан жиддий гап олиб бориш деб қараш керак,— деган эди ўртоқ Л. И. Брежнев партия XXVI съездида. — Биз совет журналистларидан матбуотимизнинг кўп миллионли активлари билан биргаликда партия журналистикасининг ленинча принциплари ва анъаналарига амал қилган ҳолда, ҳамиша юксак даражада ижтимоий активлик кўрсатиб ва масъулиятни сезиб иш кўрадилар, деб умид қиламиз».

Бу илҳомбахш сўзлар совет журналистларини, матбуот, телевидение ва радио эшиттириш редакцияларининг барча штатсиз активларини улуғ мақсад йўлида янада ижодий гайрат кўрсатишга, ўз маҳоратларини оширишга ва самарали меҳнат қилишга даъват этади.

Музокарада сўзга чиққан Янгийўл район партия комитетининг секретари **А. Латипов** кейинги йилларда район газетаси ва радио эшиттириш редакцияларига партия раҳбарлиги сезиларли даражада яхшиланганлигини таъкидлади. Ҳар бир хўжаликда мухбирлар пости ташкил этилган. Штатсиз активлар мунтазам рейдлар ўтказиб турибдилар. Айниқса, улар чорвачилик тармоғи устидан пухта назорат ўрнатганлар. Ленин номли, Х. Турсунқулов номли колхозларнинг чорвачилик фермаларига ўтказилган рейдлар яхши самара берди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси қўлёзмалар институти директори, «Тошкент ҳақиқати» газета редакцияси ҳузуридаги — янги урф-одатлар ва маросимларни пропаганда қилиш жамоатчилик Совети раиси филология фанлари доктори, профессор **А. П. Қаюмов** меҳнат тарбияси, янги урф-одатлар ҳамда маросимларни турмушга кенг жорий этиш юзасидан бажарилаётган ишлар тўғрисида гапирди. У эскилик сарқитларига қарши изчил кураш олиб бориш, янгиликларни кенг пропаганда қилиш лозимлигини уқтирди.

Слёт қатнашчилари «Чирчиксельмаш» заводи газ-электр пайвандчиси, Ўзбекистон Компартияси XX съезди делегати **З. Е. Карпенко**нинг сўзларини қизиқиш билан тингладилар. Маълумки, Чирчиқ областда биринчи бўлиб коммунистик меҳнат ва турмуш шаҳри номини олиш учун кураш бошлаган эди. Бу мусобақа шаҳар газетаси, заводнинг кўптиражли газетаси саҳифаларида мунтазам ёритилмоқда. Жамоатчи мухбирлар жанговар сўз билан кишиларни янги меҳнат зафарларига руҳлантирмоқдалар, камчиликларга қарши ўт очмоқдалар.

«Ангренская правда» редакцияси ҳузурида ташкил этилган «Прогресс» ижодий клуби раҳбари **О. Е. Фишман**нинг сўзлари кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди. У рационализатор ва ихтирочилар, жамоатчи конструкторлик бюроси кучи билан тайёрланаётган тематик саҳифалар, ҳаваскор киностудия ижодкорлари суратга олган фильмлар ҳақида ҳикоя қилиб берди.

Докладни муҳокама қилишда шунингдек, «Ташкентская правда» газетаси редактори **Б. М. Шатуновский**, Бўка районидаги «Ленинобод» колхози бригада бошлиғи, КПСС XXVI съезди делегати **И. Ҳожибекова**, «Тракторостроитель» кўп тиражли газетаси редактори **В. К. Комлев**, Тошкент район радиоэшиттириш редактори **Т. Исломбоева** ўртоқлар ҳам иштирок этдилар.

Слёт қатнашчилари областдаги барча ишчи-қишлоқ мухбирларига қарата мурожаат қабул қилдилар.

Слётда Тошкент область партия комитетининг секретари **А. М. Хўжаев** актив ишчи-қишлоқ мухбирларидан бир группасига мукофотлар топширди.



Суратда: слёт қатнашчиларидан оққўрғонлик А. Менгибоев, олмалиқлик Ю. А. Токарев, янгийўллик В. Бобохонов, ангренлик С. Д. Вотинцева, бекободлик Ш. Эгамова ўзаро суҳбатда.

А. Мальцев фотоси.

(Бошн газетанинг 6 июнь сонида).

МУКОФОТ МУБОРАК

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

АҲОЛИГА МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ БИРЛАШМАЛАРИ, КОРХОНАЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ИШЧИЛАРИ, ИНЖЕНЕР-ТЕХНИК ХОДИМЛАРИ ВА ХИЗМАТЧИЛАРИНИ СССР ОРДЕН ВА МЕДАЛЛАРИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎГРИСИДА.

Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ва халқ турмуш маданиятини ошириш юзасидан ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажаришда эришган ютуқлари учун МУКОФОТЛАНСИН:

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

«ҲУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Аббосов Борий Ғиёсович — республика автомобилларга техник хизмат кўрсатиш саноат бирлашмасининг бошлиғи.

Абдуллаев Сайфулла Абдуллаевич — металл буюмлар ремонти комбинатининг директори.

Березовский Лев Моисеевич — «Илғор» ишлаб чиқариш бирлашмасининг директори.

Исаев Саъдулла Исроилович — Тошкент шаҳар ижроия комитети аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бошқармасининг бошлиғи.

Эшонхўжаев Александр Алихўжаевич — республика радио ва телевизион аппаратларни ремонт қилиш саноат ишлаб чиқариш бирлашмасининг бошлиғи.

Қодиров Рауф Фаттоҳович — «Зангори экран» ишлаб чиқариш бирлашмасининг директори.

Козлов Михаил Леонтьевич — автомобилларга техник хизмат кўрсатиш бирлашмасининг бошлиғи.

Ниёзматов Ҳабибулла Аҳтамович — автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори.

Фарзалиев Эмир Раҳмонович — Ўзбекистон ССР аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлиги бошқармасининг бошлиғи.

II ДАРАЖАЛИ МЕҲНАТ ШУҲРАТИ ОРДЕНИ БИЛАН

Дунаев Анатолий Васильевич — В. И. Ленин номли якка буюртмалар ва кийимлар ремонти ишлаб чиқариш бирлашмасининг бичиқчиси.

Комарова Нина Ильинична — Химчистка фабрикасининг комплектловчиси.

III ДАРАЖАЛИ МЕҲНАТ ШУҲРАТИ ОРДЕНИ БИЛАН

Абдуқаюмов Абдусамад Абдумаликович — шаҳар ремонт-қурилиш бошқармасининг дурадгори.

Зарипов Нуриддин Ҳакимович — рўзғор машиналари ва асбоблари ремонти ишлаб чиқариш бирлашмасининг соатсози.

Тўраева Шоира Даминовна — В. И. Ленин номли якка буюртмалар ва кийимлар ремонти ишлаб чиқариш бирлашмасининг тикувчиси.

Тургунов Олим — рўзғор ускуналари ва мебеллари комбинатининг ишчиси.

«ШАВКАТЛИ МЕҲНАТИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Азимхўжаев Мухтор Саидолимович — Ўзбекистон ССР аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлиги ўлимининг етакчи инженери.

Охунбобоева Саломат Йўлдошевна — лойиҳа-технология институтининг бўлим инженери.

Исамуҳамедова Дилбар Тоҳировна — Зафаммом-кир ювиш комбинатининг дазмолловчиси.

Қорабоев Тохир — фотохизмати комбинатининг фотографи.

Куликова Вера Сидоровна — В. И. Ленин номли якка буюртмалар ва кийимлар ремонти ишлаб чиқариш бирлашмасининг тикувчиси.

Курочкин Владимир Николаевич — ремонт-созлаш участкасининг бошлиғи.

Парсегянц Артем Артемович — рўзғор машиналари ва асбоблари ремонти ишлаб чиқариш бирлашмасининг заргари.

Расулов Рихсибой — Химчистка фабрикасининг аппаратчиси.

Сиддиқов Абдуғани — фотохизмати комбинатининг лаборанти.

Соболева Мария Петровна — «Янгилик» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бичиқчиси.

Тошмуҳамедов Собиржон Турдиевич — 2-автомобилларга техник хизмат кўрсатиш станциясининг вулканизатори.

Тўралиева Холбиби Ажбековна — «Тошкент сервис» фирмасининг гул босувчиси.

Ҳайруллина Ясмена Хайрзяновна — «Янгилик» ишлаб чиқариш бирлашмасининг тўқувчиси.

«МЕҲНАТДА ЎРНАК КЎРСАТГАНЛИГИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Азимов Акром — носаноат хизмати комбинатининг сартароши.

Жамилова Фахрия Хайдаровна — носаноат хизмати комбинатининг сартароши.

Эгамбердиев Раҳмонберди — «Илғор» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бичиқчиси.

Эшмуҳамедова Шафоат Содиқовна — прокат ва турли маиший хизмат кўрсатиш ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчиси.

Муротов Саидазиз — 1-автобазанинг шофёри.

Раҳимов Абдумавлон — рўзғор ускуналари ва мебеллари комбинатининг дурадгори.

Усмонов Боту Қурбоновнч — металл буюмлар ремонти комбинатининг ишчиси.

Шайхутдинова Раъно Обидовна — «Илғор» ишлаб чиқариш бирлашмасининг тайёрловчиси.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. БРЕЖНЕВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль, 13 апрель, 1981 йил.

ЁШЛАР, ЖАСОРАТ КЎРСАТИНГ

ОБЛАСТЬ ЁШ ХОТИН-ҚИЗЛАР СЛЁТИДАН

ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ бирон соҳаси йўққи, у ерда хотин-қизлар меҳнат қилмасин. Аёлларимизнинг бири олима, бири жамоат арбоби, бири қурувчи, бири тўқувчи, бири пахтакор...

Ўтган куни бўлиб ўтган область ёш хотин-қизлар слётида коммунизм қурувчилари бўлган аёлларимизнинг КПСС XXVI съезди қарорларини бажаришдаги актив иштироки масаласи муҳокама қилинди. Бу ҳақда область ёш хотин-қизлар билан ишлаш Совети раиси **Л. Абдураҳмонова** доклад қилди.

— Областимиз халқ хўжалигини ривожлантиришда хотин-қизларнинг роли алоҳида аҳамият касб этади, — деди докладчи, — халқ хўжалигида банд бўлган ишчи ва хизматчиларнинг ярмидан кўпини хотин-қизлар ташкил этади. Савдо, соғлиқни сақлаш, халқ маорифи ва бошқа соҳаларда меҳнат қилаётган аёлларимиз сафи йил сайин кўпайиб бормоқда.

Докладчи ўз сўзида саноат корхоналари ва колхоз-совхозларда намуна кўрсатиб, меҳнат қилаётган аёлларнинг номларини алоҳида ҳурмат билан тилга олди. КПСС XXVI съезди делегати 1-«Пискент» совхозидан Дилбар Норматова бошлиқ бригада деҳқонлари ўтган йили ҳар гектаридан 40 центнердан пахта йиғиб олдилар.

Донгдор маккажўхорикор Холида Абдураимова Оҳангарон районидаги Ворошилов номли колхозда меҳнат қилади. У бошлиқ бригада аъзолари ҳар йили гектаридан 100 центнердан ошириб «каҳрабо дон» олмоқдалар.

Мамлакатимизнинг донгдор кишиларидан Чиноз районидаги Киров номли колхозининг бригада бошлиғи, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсуной Охунованинг пахтачиликни комплекс механизациялаштириш соҳасида бошлаб берган иши бугунги кунда кенг қулоч ёйди. Турсунойчилар сафи йил сайин кенгаймоқда. Унинг бригадаси базасида ташкил этилган тажриба мактабини ҳар йили юздан ортиқ механизатор қизлар битириб чиқмоқдалар.

Областда 130 дан ортиқ комсомол-ёшлар чорвачилик коллективлари бор. Буларда меҳнат қилаётган чорвадорларнинг 700 дан кўпроғини қизлар ташкил этади.

Докладчи аёллар халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида ҳам ғайрат-шижоат кўрсатиб меҳнат қилаётганликларини, партия режаларини ҳаётга тадбиқ этишда намуна кўрсатаётганликларини мисоллар билан таърифлаб берди.

Музокарада сўзга чиққан ташаббускор чорвадор, Тошкент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозининг сут соғувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Мунаввар Исҳоқова** ёш сут соғувчи қизларга мураббийлик соҳасидаги тажрибаларини ўртоқлашди.

Тошкент политехника институти самолётсозлик факультетининг V курс студенти, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати **Г. Исроилова**, Калинин район партия комитетининг секретари **Ф. Исроилова**, Паркент район марказий касалхонасининг врачи **Н. Қуттиева**, Бекобод шаҳар комсомол комитетининг иккинчи секретари **Б. Қурбонова**, Тошкент шаҳар комсомол комитети пропаганда ва агитация бўлими мудири **О. Лексина** ва бошқа ўртоқлар ҳам музокарага чиқдилар.

Слёт қатнашчилари областдаги барча қизлар, ёш аёлларга қарата мурожаат қабул қилдилар.

Слёт ишида область комсомол комитетининг биринчи секретари **М. Маҳмудов**, область комсомол комитетининг секретари **Х. М. Абдураимов** ўртоқлар қатнашдилар.

Область партия комитети ва область ижроия комитетининг Мурожаатига амалий иш билан жавоб бериш учун курашаётган Оққўрғон районидаги Ҳ. Олимжон номли колхоз аъзолари ғўза парваришини тобора кучайтирмоқдалар. Шу кунларда хўжалик пахта далаларида 23 та культиватор ишлаб турипти. Ғўза қатор ораларига ишлов бериш, озиқлантириш ва суғориш бир-бирига боғлиқ ҳолда ўтказиляпти. Суратларда: ғўза культивацияси пайти; илғор бригада бошлиғи З. Холбоева.

А. Тўраев фотолари.





ҒАЛЛА—ДАВЛАТГА!

ОҲАНГАРОН РАЙОНИДАГИ «ҒАЛЛАҚУДУҚ» СОВХОЗИ САНОАТ КОМПЛЕКСИ ПАРТИЯ КОМИТЕТИ ВА МАЪМУРИЯТИНИНГ 1981 ИЛДА БОШОҚЛИ ДОН ҲОСИЛИНИ УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ҚИСҚА МУДДАТДА ВА НЕС-НОБУД ҚИЛМАСДАН ЙИҒИШТИРИБ ОЛИШ ЮЗАСИДАН

ТАДБИРЛАРИ

Оҳангарон районидаги «Ғаллақудуқ» совхоз-саноат комплекси меҳнаткашлари партия XXVI съезди қарорлари, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг Ҳисобот докладида баён этилган қонда ва ҳулосалардан руҳланиб, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, сифатини яхшилаш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига актив қўшилдилар.

«Ғаллақудуқ» совхоз-саноат комплекси партия комитети ва маъмурияти озиқ-овқат программасини амалга оширишга хўжаликнинг муносиб ҳисса қўшиши учун интилиб, дон етиштиришни бутун чоралар билан кўпайтириш, сифатини оширишга муҳим аҳамият беряптилар.

Хўжалик ғаллакорлари КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «1981 йилда ҳосилни йиғиштириб олиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва ем-хашак тайёрлашни ҳамда 1981—1982 йил даврида чорва қишловини муваффақиятли ўтказишни таъминлаш юзасидан қўшимча тадбирлар тўғрисида»ги қарорини бажара бориб, бу йил ҳосил ўрим-йиғимини уюшқоқлик билан қисқа муддатда ва нес-нобуд қилмай ўтказишга қарор қилдилар. Лалмикор майдонларнинг ҳар гектаридан 18 центнердан бошоқли дон ҳосили олиш, 1245 тонна буғдой ва арпа етиштириш мўлжалланган. Бу плангагидан 641 тонна ёки икки баравардан ҳам кўпроқдир. Ҳар гектар майдондан чорва моллари учун камида 10 центнердан сомон йиғиштириб олиш мўлжаланмоқда.

Совхоз ғаллакорлари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йилида давлатга 780 тонна бошоқли дон топширишга қарор қилдилар.

«Ғаллақудуқ» совхоз-саноат комплекси коммунистлари, барча меҳнаткашлари Жиззах области ғаллакорларининг ташаббусини қўллаб-қувватлаб, механизаторлар, барча ғаллакорлар юксак меҳнат ва сиёсий активлигини таъминлашни, бошоқли дон ўримида ишлатиладиган барча мавжуд техника ва иш қуролларидан самарали фойдаланишни ўзларининг бош вазифалари деб ҳисоблайдилар.

Ҳосил ўрим-йиғими олти иш кунида тугалланади. Бунинг учун ипатовлик деҳқонлар тажрибасидан кенг қўлланилади. 7 та дон комбайни, 10 та автомашина, 10 та транспорт трактори, 2 та дон тозалаш машинаси ва бошқа қишлоқ хўжалик техникаси биркитилган ўрим-транспорт отрядининг аниқ ва бир меъёрда ишлаши таъминланади.

Қишлоқ хўжалик техникасига ўз вақтида техника хизмати кўрсатиш ва ремонт қилиш учун техника хизмати кўрсатиш звеноси ташкил этилди. Унга малакали созловчи слесарлар бўлган ва зарур асбоб-ускуналар, эҳтиёт қисмлар, ремонт учун материаллар ажратилган 2 та кўчма устахона биркитилди. Шунингдек, ўрим-транспорт отрядига далаларни тайёрлаш, донни ташиб олиш, маданий-маиший хизмат кўрсатиш, донни тозалаш, сомонни йиғиштириб олиш ва ер ҳайдаш бўйича звеноларга ҳам кирган. Ўрим даврида техниканинг ишлаб чиқилган календарь графиги ва агрегатларнинг ҳаракат маршрутига қатъий риоя қилган ҳолда ишлаши йўлга қўйилади. Дон комбайнлари икки сменада, дон хирмонлари ва дон тозалаш машиналари эса кечаю-кундуз ишлайди.

Пўлларни, кўприк ва тошгарози хўжалигини ремонт қилиш ниҳоясига етган. Ёнғиндан сақланиш учун зарур чоралар кўриляпти. Комбайнлар ишга тўла шай қилинган ва сифат бўйича комиссияларнинг акти билан қабул қилинган. Бунда агрегатларни гермитизация қилишга алоҳида эътибор берилган. Ғаллани йиғиштириб олаётган барча техника ва механизмлар малакали комбайнчилар ва механизаторлар билан комплектланган. Ҳозирги пайтда механизаторлар ўрим техникасини синаб кўрмоқдалар.

Хўжаликда бошоқли дон ҳосилини уюшқоқлик билан қисқа муддатда ва нес-нобуд қилмай йиғиштириб олиш бўйича штаб тузилган. Партия комитети мажлисида ўрим-транспорт отрядидаги звенолар бошлиқлари тасдиқланди. Улар малакали мутахассислардир. Звеноларда муваққат партия ва комсомол группалари тузилди.

Ўрим-йиғим мавсуми даврида совхоз коммунистлари, комсомоллари, халқ назоратчилари, мутахассислари ва активларининг кечаю-кундуз навбатчилик қилишларини йўлга қўйиш мўлжалланган. Улар техниканинг ишлаши, янчилган донни тўғри ҳисоб-китоб қилиш, уни ўз вақтида дон қабул қилиш пунктларига жўнатиш, уруғлик фонди ва чорва молларига бериш учун мўлжалланган донни омборхоналарга келтириш, шунингдек, донни ўрим-йиғим, ташиш ва сақлаш пайтида нес-нобуд бўлиши ҳамда сифати бузилишининг олдини олиш устидан назорат қиладилар.

Ғалла ўрими билан бир пайтда барча сомон йиғиштириб олиниб, ғарамланади. Шундан сўнг далалар ҳайдалади ва 1982 йил бошоқли дон ҳосили учун тайёрлаб қўйилади.

Ғаллакорларнинг дам олишини ташкил этиш учун 2 та дала шийпонини ремонт қилиш тугалланди, улар кўргазмали қуроллар, зарур жиҳозлар билан таъминланди. Ғалла ўрим-йиғими даврида дала шийпонларида бу иш билан банд бўлган механизаторлар, совхоз ишчиларига кунига икки марта иссиқ овқат тайёрланади.

Илғор механизаторларни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантиришнинг конкрет тадбирлари ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Совхоз партия комитети, қасаба союз, комсомол ташкилотлари ва маъмуриятининг 4 та вимпели таъсис этилди. Илғорларга вимпел билан пул мукофотлари, қимматбаҳо совғалар топширилади. Бундан ташқари, комбайнчиларга уч центнердан, комбайнчи ёрдамчиси ва шоферларга 2,1 центнердан, бошқа ишчиларга 1,5 центнердан дон берилади. Социалистик мусобақага ҳар куни якун ясалади. Мусобақанинг кенг ошкоралиги, кўргазмалилиги ва натижаларнинг таққосланиши таъминланади.

«Ғаллақудуқ» совхоз-саноат комплекси партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари, маъмурияти ва барча меҳнаткашлари бутун ташкилотчилик ва сиёсий ишларни, моддий-техника ва меҳнат ресурсларини 1981 йил ҳосилини йиғиштириб олишга муваффақиятли ўтказишга қаратадилар.

Ушбу тадбирлар Оҳангарон районидаги «Ғаллақудуқ» совхоз-саноат комплекси ғаллакорларининг йиғилишида қабул қилинган.

МОЛИ ТЎҚНИНГ— КЎНГЛИ ТЎҚ

Ўтган йили колхозимиз чорвадорлари сут, гўшт, тухум етиштириш ва давлатга сотишни анча кўпайтиришга эришдилар. Беш йиллик якунловчи йилида 254 тонна ёки 1979 йилга нисбатан 54 тонна кўп сут олинди. Гўшт етиштириш ҳам 20 процентга ортиб 54,5 тоннани ташкил этди. Паррандабоқарларимиз аҳоли дастурхонига 98 минг дона тухум тортиқ қилдилар.

Чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришга асосан маҳсулдорликни ошириш ҳисобига эришилди. Ўтган йили сут-товар фермамиз коллективи ҳар бир сигирдан 3247 килограммдан, 1979 йилдагидан 357 килограмм кўп серқаймоқ сут соғиб олдилар.

Бу муваффақиятларга эришишда чорвачилик озуқа базасини мустаҳкамлаш ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Колхозимизда суғориладиган майдонлардан самарали фойдаланиш учун озуқа экинларини аралаштириб экиш, бир ердан йилига икки марта ҳосил олиш тажрибаси кенг қўлланиляпти.

Маълумки, эрта баҳорда чорва молларини тўйимли озуқалар билан боқишда жиддий қийинчиликларга дуч келинади. Чунки бу пайтда беда ҳали ўримга келмаган бўлади. Қиш даври учун жамғарилган дағал хашак, сенаж ва силос сифати ҳам талаб даражасида бўлмайди.

Шунинг учун биз илғор хўжаликлар тажрибаси асосида оралиқ озуқа экинлари экишай йўлга қўйдик. 1979 йил кузида 30 гектар майдонга «Вахш рекорди» навли жавдар сепган эдик. Унинг уруғини тожикистонлик дўстларимиз юборишган эди.

Бу жавдар эрта етилар ва серҳосил экан. Колхозимизда жавдар кўкпоя учун март ойи охирларида ўрила бошланди. Яна икки ой ўтгач, шу майдонларнинг ўзидан иккинчи марта жавдар кўкпояси олинди. Шу тариқа баҳор пайтидаёқ ҳар гектар ердан 400 центнердан кўк поя олдик. Энг муҳими чорва молларининг озғи эрта кўкка тегди. Бу эса улардан соғиб олинадиган сут миқдорини кескин ошириш имконини берди. Кузги жавдар ўрнига силос учун макажўхори экдик.

ИЛҒОР ЧОРВАДОРЛАР ТАШАББУСИГА ҚЎШИЛАМИЗ

Кўп хўжаликларда янги беда арпага қўшиб экилади. Колхозимизда эса беда судан ўти билан аралаштириб экиш тажрибаси қўлланилаяпти. Унинг натижалари қувонарлидир. Беда ва судан ўти аралаштириб экилган майдонлардан беш маротаба кўкпоя ўриб олиняпти. Бу ҳар гектар майдондан 600 центнердан кўкпоя олиняпти, деган гап.

Чорва молларининг маҳсулдорлигини оширишда уларни оқсилга бой озуқалар билан боқиш катта роль ўйнайди. Шунинг учун биз бир неча йилдан бери маккажўхорини сояга аралаштириб экяпмиз. Маккажўхори думбул пайтида соя билан аралаштириб ўриб олинади ва силос қилиб бостирилади. Бу қиш даврида қорамолларни тўйимли озуқа билан боқиш имконини беради.

Колхозимизда озуқа базасини мустаҳкамлаш билан биргаликда чорва моллари зотини яхшилаш, чорвачилик моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чоралари ҳам кўрилаётир. Шу йилнинг ўзида фермаларимиздаги қорамоллар бош сони 525 тадан 571 тага етди. Сигирлар бош сонини ҳам ўнтага кўпайтириб 150 бошга етказдик. Уларнинг 70 процентидан кўпроғи наслли моллардир. Шу йилнинг ўзида фермадаги ҳамма сигирларнинг зотли бўлиши чораларини кўрамиз.

Ҳозирги пайтда район колхозлараро қурилиш бошқармаси коллективи хўжалигимизда 300 бош қорамолга мўлжалланган чорвачилик комплексини бунёд этяпти. Уни фойдаланишга топшириш барча иш жараёнларини тўла механизациялаш имконини беради.

КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди тарихий қарорларини амалга ошириш учун курашаётган колхозимиз аъзолари пахтачилик билан бир қаторда чорвачиликни янада ривожлантиришга аҳд қилганлар. Улар омилкорлик билан иш тутиб, фидокорона меҳнат қилиб, эл дастурхонини чорвачилик маҳсулотларига тўкин қилишга муносиб ҳиссаларини қўшишяпти.

Шу йилнинг 5 ойида чорвадорларимиз гўшт, сут, ва тухум етиштиришни 20—25 процентга кўпайтиришга муваффақ бўлдилар. Улар областимиз илғор чорвадорларининг ташаббусини якдиллик билан қўллаб-қувватлаб чорва маҳсулдорлигини ошириш учун ҳамма имкониятларни ишга солмоқдалар.

Ферма ходимлари ўртасида кенг авж олган социалистик мусобақада тажрибали согувчиларимиздан Б. Маматқулова, Р. Абдувалиева, О. Бўриевалар пешқадамлик қилмоқдалар. Бу илғорлар ўтган йили говмушларидан 3100—3500 килограммдан сут соғиб олган эдилар. Бу йил эса сигирлари маҳсулдорлигини 4 минг килограммга етказиш мажбуриятини олишган.

Биз область партия комитети, область ижроия комитетининг Мурожаатига жавобан чорва молларига камида бир ярим йиллик план миқдорида ем-хашак ғамлаб қўйишни режалаганмиз. Мустаҳкам озуқа базаси эса чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтиришга хизмат қилади.

Ғ. АЗАМАТОВ,
Ўрта Чирчиқ районидаги А. Икромов номли колхоз раиси.

Уларнинг юзлари ёруғ, кайфияти чоғ, хушнуд юришибди.

— Бу йил ҳаво бироз пастроқ келганлиги учун барг вақтида етилмади, қандай бўларкин, деб чўчиган эдим,— дейди Санобар Мирзаева,— лекин совхоз маъмуриятига минг раҳмат. Ҳамма шароитни яратиб беришди. Махсус ажратилган кишилар бизларга баргларни ўз вақтида келтириб туришди. Ҳар бир қулай фурсатдан ўринда фойдаланишга ҳаракат қилдик. Кези келганда тунлари ором ҳам билмадик. Мана энди натижа кўнгилдагидек бўлди. Давлатга салкам 100 килограмм пилла топшириб, зиммага олган мажбуриятимни оширибгина бажардим.

Совхознинг моҳир пилласи чилари Зуҳра Тўйчиева, Назира Тўлаганова, Ҳалима Тошматова сингари ўртоқлар билан ҳам суҳбатлашсангиз кувониб сўзлайдилар.

ХУШНУД АЁЛЛАР

Калинин районидаги Свердлов номли совхоз пилласи чилари қурт боқиш мавсумида чиндан ҳам фидокорона меҳнат қилдилар. Пилласи чилар ўртасида ўзаро мусобақа авж олдирилди. Ишнинг ташкил этилиши ва сифати устидан назорат кучайтирилди. Пилласи чиларга ўз вақтида зарур ёрдамлар кўрсатилди. Шунинг учун ҳам совхоз давлатга 11 тоннадан ортиқ пилла топшириб зиммага олган мажбуриятини муваффақиятли бажарди.

— Пилласи чиликда эришган кўрсаткичларимиз,— дейди совхоз директори Р. Усмонов, —ўн биринчи беш йиллиқда қишлоқ хўжалигини юксалтириш юзасидан белгилаган режаларимизни амалга ошириш соҳасидаги илк ғалабамиздир. Биз қўшимча 700 килограмм пилла топшириш бўйича олган мажбуриятимизни ҳам бажардик. Дастлабки ютуқ совхоз ишчиларини қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида ҳам юқори кўрсаткичларга эришишга руҳлантирди. «Кумуш тола» етиштиришни кўпайтиришга муносиб ҳисса қўшган совхоз ишчилари эндиликда сабзавот, чорвачилик, боғдорчилик маҳсулотлари мўл-кўлчилигини таъминлаш ишида ҳам актив қатнашмоқдалар.

Н. ИСАЕВ.

ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

БАРСЕЛОНАДАГИ ХАЛҚАРО ЯРМАРКАДА СССР КУНИ

МАДРИД, 8 июнь. (ТАСС). Барселонадаги халқаро ярмаркада Совет Иттифоқи куни ўтказилди.

СССР павильони — ярмаркада энг йирик павильонлардан биридир. 30 дан ортиқ ташқи савдо бирлашмаси бу ерда 300 та саноат корхонаси ишлаб чиқараётган турли маҳсулотни намойиш қилмоқда. КПСС XXVI съезди тўғрисида, унда қабул қилинган қарорлар ҳақида, советлар мамлакатининг иқтисодий ривожи, КПСС ва Совет ҳукумати амалга ошираётган тинчлик программаси тўғрисида ҳикоя қилувчи ранг-баранг безатилган стенд кўп сонли томошабинлар эътиборини жалб қилмоқда.

«Павильон экспонатлари сифатли эканлигини қайд этиш биз учун ёқимлидир, — деди Каталония автоном ҳукуматининг раиси Х. Пухоль совет журналистлари билан бўлиб ўтган суҳбатда. — Экспозицияда СССР экономикаси тўғрисида ҳикоя қилинибгина қолмай, шу билан бирга жамиятингиз ҳаёти ҳам кенг кўламда кўрсатиб берилган».

Ярмарка иш бошлаганидан бери ўтган дастлабки икки кун ичидагина совет ташқи савдо бирлашмаларининг вакиллари Испания фирмалари билан 60 миллион доллардан ортиқ миқдорда битим имзоладилар.

А. МЕДВЕДЕНКО.

ФСДП СЪЕЗДИ ТУГАДИ

ПОРИ. Бу ерда Финляндия социал-демократик партиясининг XXXII съезди тугади. Съездда 370 делегат, шунингдек кўпгина меҳмонлар иштирок этишди.

Съезд ФСДП раиси К. Сорсанинг сиёсий аҳвол тўғрисидаги докладини, ФСДПнинг, ва партия парламент фракциясининг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларини муҳокама этди, ФСДПнинг янги программасини тайёрлашга қарор қилди.

Съезд делегатлари партиянинг тащқи сиёсатга оид ҳужжатини маъқулладилар. Бу ҳужжатда тинчлик учун актив курашиш энг муҳим вазифа қилиб қўйилган. Съезд партиянинг раҳбар органларини сайлади.

Съездда К. Сорса яна якдиллик билан ФСДПнинг раиси этиб сайланди.

К. ВАЛЬДХАЙМНИНГ ВИЗИТИ

● ТОКИО. БМТ Бош секретари К. Вальдхайм Японияга келди. У Япония бош министри Д. Судзуки билан, ташқи ишлар министри С. Сонода билан учрашиб, халқаро проблемаларни ҳал этишда БМТнинг роли тўғрисида улар билан фикрлашиб олди.

ЯДРО ҚУРОЛИ СИНАБ КЎРИЛДИ

● САН-ФРАНЦИСКО. АҚШнинг Невада штатидаги полигонида ядро қуролининг бу йилги навбатдаги олтинчи синови ўтказилди. Энергетика министрлигининг ҳабар қилишича, ер остидаги ядро портлашининг кучи 20 килотоннадан 150 килотоннагача борди.

ФИТНА ФОШ ЭТИЛДИ

● МАНИЛА. Филиппин маъмурлари мамлакат раҳбарларини, шу жумладан президент Ф. Маркосни ўлдириш мақсадини кўзловчи фитна фош этилганлигини эълон қилдилар. Расмий ахборотда ўқтириб ўтилишича, фитнанинг бир учи чет элларга, аввало АҚШга бориб тақалади, ҳукуматга қарши бўлган ўнг буржуа гуруҳлар шу мамлакатдан бошпана топганлар. Фитначилар оммавий террор бошлашга, Филиппиндаги аҳволни ишдан чиқаришга ва 16 июнда тайинланган президент сайловини барбод қилишга умид қилган эдилар.

Пойтахт округида қўлга туширилган бир гуруҳ шахслар фитнага ҳозирлик кўриб кўйилганини тан олдилар, деб уқтирилади ахборотда.



ИТАЛИЯ. Миниглаб кишилар, шунингдек, болалар Римда бўлиб ўтган оммавий намойишда қатнашдилар. Улар АҚШ милитарист доираларини авж олдираётган қуролланиш пойгаси сиёсатини кескин қораладилар, Америкаининг Ғарбий Европада жойлаштирмш ҳақидаги НАТО қарорига қарши чиқдилар.

АП — ТАСС телефотоси.

ПЕКИН БОШ МИНИСТРИНИНГ САФАРИ

ДАККА. ХХР Давлат Кенгашининг бош министри Чжао Цзиян Бангладеш пойтахтига келди. Дакка — унинг сафаридаги сўнгги пунктдир, бундан аввал у Покистон ва Непалда бўлди.

Визит Бангладеш президенти Зиёур Раҳмон Читтагонгда фитначилар қўлида ёзиналн ҳалок бўлганидан кейин орадан атиги бир ҳафта ўтиши биланоқ бошланди.

(ТАСС, 8 июнь).

ИЛМИЙ СЕССИЯ

Бу йил институтимиз ташкил этилганига ҳадемай эллик йил тўлади. Ҳозир институтда юбилей олдидан катта тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Яқинда профессор ва ўқитувчиларнинг илмий сессияси бўлиб ўтди. Ялпи мажлисда институт ректори, экономика фанлари доктори, профессор М. Ш. Шарифхўжаев фан ва уни янада тараққий эттиришда коллектив иштироки тўғрисида доклад қилди.

Шундан сўнг секциялар бўйича машғулотлар давом эттирилди. Уларда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси мухбир — аъзоси, экономика фанлари доктори, сиёсий иқтисод кафедрасининг мудири А. М. Аминов, тарих фанлари доктори, профессор, КПСС тарихи кафедраси мудири М. М. Мусаев, иқтисод фанлари доктори молия кафедраси профессори Х. Р. Собиров ва бошқа олимларнинг 300 га яқин докладлари тингланди.

Юбилей олдидан студентларнинг ҳам илмий конференцияси бўлиб ўтди. 65 секцияда 636 доклад тингланди.

А. ТЎРАЕВ,
Тошкент халқ хўжалиги институти ўқитувчиси.

ТАШАББУСКОР ЧЎПОН ИЗДОШЛАРИ

ЧИНОЗ районидаги Жамбул номли қўйчилик совхозининг 2-бўлими чўпонлари қўзилатиш кампаниясини уюшқоқлик билан ўтказдилар. Мавжуд 3500 совлиқнинг ҳар юз бошидан ўртача 120 тадан қўзи олишга эришилди. Айниқса, Пўлат Мусиров бошчилик қилаётган отар чўпонлари катта меҳнат кўрсаткичларини қўлга киритдилар. Ташаббускор чўпон ўзига биркитилган совлиқларнинг ҳар юз бошидан 143 тадан қўзи олиб, эл олдида берган ваъдасини шараф билан бажарди.

Хўжаликнинг Зуҳра Турғунбоева, Баҳром Тожимамиров етакчилик қилаётган отарнинг чўпонлари ҳам илғор чўпон изидан бориб,ҳар юз бош совлиқдан 130-132 тадан соғлом қўзи олишга эришдилар.

Айни кунларда бўлим чорвадорлари баҳорги жун қирқимини ҳам муваффақиятли ўтказмоқдалар. Улар бу йил 18 тонна жун сотиш мажбуриятини олганлар. Шу кунгача давлатга саккиз тоннадан ортиқ жун топширилди. Бу ишда Исахон Бектоев, Жаббор Абдураимов, Асан Тожимамиров, Есенбек Мелдабеков каби илғор чўпонлар барчага намуна кўрсатиб ишлаб, кунига 125-130 тадан қўйнинг жунини қирқишга эришмоқдалар.

Х. ШЕРОВА.

ВРАЧ МУЛОҲАЗАЛАРИ

ФАРЗАНД—ҲАЁТ КЎРКИ

Мамлакатимизда катталар қатори болалар соғлигини муҳофаза қилиш ҳам СССР Конституцияси қоидалари билан қатъийлаб қўйилган. Бу муҳим ишга республикамиз партия ва ҳукумати ҳамиша алоҳида эътибор бериб келмоқда. Тўққиз йилдирки, Ўзбекистонда кенжа авлоднинг касалликка чалинишининг олдини олиш, шикастланишни камайтириш бўйича, республика соғлиқни сақлаш, маориф ва ички ишлар министрликлари вакилларидан иборат махсус комиссия ишлаб турибди. Ўтган давр мобайнида комиссия аъзолари анчагина ташкилий ишларни амалга оширдилар. Улар томонидан деярли ҳар йили болалар ўртасида жароҳатланишни камайтиришга бағишланган илмий-амалий конференциялар ўтказилмоқда. Бундай анжуманларда кенг жамоатчиликнинг иштирок этишига эришилаётгани айниқса қувончли бўлаётир.

Республика радиоэшиттириш ва телевидение редакциялари ҳам бу ҳайрли ҳаракатда активлик кўрсатиб келишмоқда. Хусусан, «Светофор», «Пиёда операцияси» эшиттиришлари ва кўрсатувлари болаларга кўча ҳаракати қоидаларини ўрганиб олишларида катта имконият яратмоқда.

Аммо кўнгилсизликларнинг рўй бермаслиги учун бутун чоралар кўрилишига қарамай, ҳамон болаларнинг шикастланиш ҳоллари учраб турибди. Бу кўпинча ота-оналарнинг бепарволиги, болалар тарбиясига етарли эътибор берилмаслиги оқибатида содир бўлаётир. Кўп йиллик тажриба шуни кўрсатдики, фарзандларимизнинг аксарияти турмушдаги лоқайдлик, шунингдек, транспорт билан боғлиқ бўлган ҳодисалар туфайли шикастланмоқдалар. Болалар қиш фаслида машиналарга осилиши, ёзда эса велосипед минган ҳолда йўл қоидасига риоя қилмаслиги, кўчанинг белгиланган жойидан эмас, таъқиқланган қисмидан кесиб ўтиши туфайли ҳам кўнгилсизликларга дучор бўлмоқдалар.

Шаҳар транспорти воситаларидан шикастланиш камаётгани йўқ. Айниқса, мактаб ўқувчилари орасида қизларга нисбатан ўғил болалар ҳаётида бу ҳол кўпроқ учрамоқда. Улардан баъзилари бир умрга ногирон бўлиб қолаётир. Биз бу фикрларни бекорга таъкидлаётганимиз йўқ. Ота-оналар ўз жигарбандларини ҳамиша кузатишлари, уларга тез-тез насиҳат қилиб туришлари, онла даврасида суҳбатлар ўтказишлари керак.

Болалар жароҳатланишининг баъзи турлари мактабларда, жисмоний тарбия дарсларида ўқитувчилардан бесўроқ ҳар хил машғулотлар билан шуғулланишлари туфайли ҳам рўй бераётир. Ёзда бундай нохуш воқеалар бирмунча кўпайиши кузатилган. Чўмилиш мавсуми бошланганда болалар сув ҳавзаларида, анҳорларда миришиқ дам олишни хоҳлайдилар. Лекин кўпинча улар чўмилиш қоидаларига риоя қилмайдилар. Сувнинг саёзлигини ҳисобга олмай калла ташлаб, майиб бўлганлар ҳам анчагина. Бунда бош, сув тагидаги дарахт илдизи, тош, шиша парчалари ва бошқа нарсаларга урилиб кўпинча бўйин умуртқа поғонаси оғир шикастланмоқда.

Фарзандлар — келажагимиз, ҳаётимизнинг мазмуни, қолаверса, таянчимиздир. Уларнинг саломатлигини сақлашга ҳар йили партия ва ҳукуматимиз жуда катта эътибор бераётган экан, ота-оналар, жамоатчилик ҳам кенжатойлар соғлигини муҳофаза этишда актив иштирок этиши зарур.

Ҳеч ким ўз ўғил-қизини ногирон, мажруҳ бўлишини истамайди, албатта. Шундай экан, турли жароҳатланишларнинг олдини олиш учун пропагандининг кенг воситаларидан унумли фойдаланиш лозим. Маҳаллаларда саломатлик университетларини ташкил этиш, радио ва телевидение орқали тез-тез суҳбатлар уюштириб туриш, ота-оналар мажлисларида бу ҳақда батафсил тушунтиришлар олиб бориш, шубҳасиз кўзда тутилган мақсадларга эришишимизда катта ёрдам беради. Болалар ўртасида шикастланишларнинг олдини олишга доир тадбирлар билан мактабларда, пионер лагерларида ҳам кўпроқ шуғулланиш яхши натижалар берган бўлур эди.

М. ДУСТМУРОДОВ,
медицина фанлари доктори, профессор.
Т. ҲАСАНОВ,
медицина фанлари кандидати.

«ҚАДРИНГНИ БИЛ, ДУГОНАМ» МАҚОЛАСИ ГАЗЕТХОНЛАР МУҲОКАМАСИДА

ИЗЗАТ ТОПДИМ

Мен «Тошкент ҳақиқати»нинг шу йил 7 май сонида босилган Нусратхон Валиевани нинг «Қадрингни бил, дугонам» сарлавҳали мақоласини ўқиб, қаттиқ ҳаяжонландим. Мақолада жуда муҳим мавзу кўтарилган. Автор аёллар меҳнати, уларнинг қадр-қиммати ҳақида газета орқали муҳокама бошлаб тўғри қилган. Зотан бу борада ҳали фикр-мулоҳазага лойиқ мулоҳазалар йўқ эмас.

Ҳақиқатан ҳам инсон ҳаёти ва камолотини меҳнатсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бизнинг ҳур замонамизда меҳнат шон-шараф, қаҳрамонлик ишидир. Улуғвор режаларимиз, шарин орзуларимиз ана шу меҳнат туфайлигина рўёбга чиқмоқда.

Менинг ҳозир ёшим 58 да, кексалик нафақаси олабошлаганимга уч йил бўлди. Аммо бекорчиликни сира ёқтирмайман. Ота-боболаримизнинг «Юрган-дарё, ўтирган-бўйра» деган доно сўзига доим амал қилиб келаман. Меҳнат мен учун фақат яшаш омилигина эмас, балки ҳаётим зийнати, безавол овунчоғим. Меҳнат коллективим — туғишган оилам, дилкашим ва дардкашим. Шундай экан унинг нисбий бағри, қайноқ меҳридан ким йироқ, бегона бўлишни истайди!!

Икки йиллик ҳамширалар тайёрлов курсини тугатиб, йигирма олти йилдан буён бир ерда — Тошкентдаги 1-шаҳар бирлашган касалхонасида ишлаб келаман. Оилада етти жонимиз. Қизларни турмушга чиқарганимиз — бири врач, бири инженер. Ўғилларимизнинг бири фармацевт, иккинчиси пазанда. Кенжатой қизимиз ТошМИнинг иккинчи курсида ўқийди. Турмуш ўртоғим кекса педагог, ҳозир пенсияда. Бахтиёр, шукрона турмуш кечиряпмиз.

Давлатимиз биз аёллар ҳақида оталарча ғамхўрлик қилиб, билим ва ҳунарга ўргатади, ҳаётда ўз ўрнимизни топиб олишда кўмаклашади. Афсуски, баъзи аёлларимиз билим ва ҳунарли бўлгач жамият олдидаги ўз муқаддас бурчини унутиб, ҳеч бир сабабсиз уйда ўтириб қолишади. Ахир шу инсофдамми!

Биз яшаб турган Сағбон кўча, 23-тупигда серфарзанд оналар кўп. Мисол учун Муҳаррам Ҳанчаева икки қиз чиқарган, бир ўғил уйлантирган. Турмушлари тўқ. Шундай бўлсада, Тошкент чинни заводида ишлайди. Беш фарзандининг онаси Маъфират Абдуворобова эса шифохонада ҳамширa. Аммо маҳалламизда ёшга бизнан анча кичик, ёш болалари бўлмаган аёллар ҳам анчагина. Уларнинг исми-шарифларини атайин айтмадим. Уйда кўпдан бери ўтириб қолган бу бекорчи аёлларни ҳар сафар кўрганимда: «Азиз дугонажонлар, ғафлат босиб уйда ўтираверманглар. Бекорчиликдан кишн қадр топмайди. Сизларни жўшқин ҳаёт чорлаяпти!» — дегим келади.

Хажалхон АКРОМОВА,
ҳамшира.

АЙНИ МУДДАО

КИШИДАГИ барча гўзал ва чиз инсоний фазилатлар меҳнатдандир, дейишади. Бу ҳақ гап. Одамдаги яхши одат ва хислатлар меҳнатда шаклланади, синалади ва камолга етади. Меҳнат билан киши кўкаради, қадр-қиммат топади. Шу боисдан Нусратхон Валиеванинг «Қадрингни бил, дугонам» мақоласини ўқиб, ўйланиб қолдим. Оиладаги турмуш—турмушим, ўз қадр-қимматим ҳақида узоқ ҳаёл суриб ўтирдим. Ҳаётимни бошқа дугоналарим турмушига қиёслаб кўрдим.

Дарҳақиқат, биз аёлларнинг юмушимиз жуда кўп. Бола боқамиз, рўзғор тебратамиз, ишга борамиз ва ҳоказо. Аммо бунн кўнглимизга оғир олмаслигимиз керак. Аёл кишининг уйда ўтириб қолишидан ёмони йўқ. Чунки рўзғор юмушларининг ҳамма оғирликлари зиммамизга тушгани — тушган. Ўғил-қизимиз тарбиясига путур етказиб ҳам қўямиз. Яъни фарзандларимизга уйда юмуш қолмайди, улар рўзғор машаққати, турмуш масъулиятини сезмай ўсишади. Ўғилдир, қиздир уйда сарамжон-сариштлик, пишириш-куйдиришга одатланса, ҳамма рўзғор ишларида катталарга ёрдам берса, ўзинн-ўзи эпласа қандай яхши.

Газеталарда босилаётган эълонлардан маълумки, кўпгина корхоналарда ишчи кучлари етишмайди. Айрим уйда ўтириб қолган аёлларимизни ана шу ишларга жалб қилинса, айни муддао бўлур эди. Менинг фикримча, бунда район ижроия комитетларининг ходимлари ташаббус курсатишлари лозим. Корхона раҳбарлари ҳам ҳар бир маҳалла ва ЖЭКлардаги бекорчи аёлларни рўйхатга олиб, уларни ўзларига мос иш билан таъминласалар, жойларга бориб ишга кириш тартиб-қоидаларини тушунтирсалар, нур устига яна нур бўлар эди. Уйлайманки, шундай қилинса, жуда кўп аёлларимиз ишли бўлиб, ҳаётда ўз ўринларн ва қадр-қимматларини топиб олишарди.

Д. ХАМИДОВА,
чевар.

КАСБИМ—ФАХРИМ

«ҚАДРИНГНИ бил, дугонам» мақоласини зўр қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Унда кўнгилдаги гаплар ёзилган. Мен ҳам онаман, шу билан бирга районимиздаги ўрта мактабларнинг бирида ўқитувчилик қиламан.

Институтни тугатиб, ўзим туғилиб ўсган она қишлоғим, жона-жон мактабимга ишга келдим. Мана, 9 йилдирки, шу мактабда дарс бераман. Касбим-оддий муаллимман... Ҳар гал шу жумлани такрорласам, бенихоя бир таниишимнинг ташни келтирувчи гаплари ёдимга тушади.

Кунларнинг бирида институтни мендан олдинроқ тугатган ўша олий маълумотли таниш педагогни учратиб қолдим. Бир-биримизни кўрганимиздан хурсанд бўлиб, ҳол-аҳвол сўрашдик, ишларимизни суриштирдик. Мен ҳали ҳам мазкур мактабда ишлаётганимни айтдим. У шунда бирдан афтини буриштириб: вой, мактабда ишлайманинг нимаси, нима бирон дурустроқ жой тополмадингми?.. Э, мен бир йил ҳам ишлаганим йўқ, ўқитувчиликдан қийини йўқ экан. Қўй бу ишингни, нима қиласан ўзингни қийнаб. Ҳали ҳам биронта яхшироқ жойга ўт!

Таниишимнинг бу гапидан ханг-манг бўлиб қолдим. Уни учратганимда қанчалар қувонган бўлсам, унинг «панд-насиҳати»дан энди шунчалик ҳафа бўлган ва дилим огриган эди. Наҳотки одам шунчалик тез ўзгарса, «нафс» отлиқ касофат киши иродаси ва виждон бурчидан ҳам кўра кучлироқ бўлса?

Меҳнат қилсак, шунинг ўзи катта бахт эмасми? Биз аёллар қийинчиликдан қўрқмаймиз. Мен ва менга ўхшаш дугоналаримиз ўз олдига қўйган мақсадимизга эришиш учун ҳеч нарсадан тоймаймиз. Ҳаётимизнинг мазмуни ҳам шунда. Ўқувчиларимиз ҳам бизни ана шундай деб биладилар. Ҳатто ўқувчиларимиз ўртасида касбларидан фахрланадиганлар ҳам бор. Баъзиларга ўхшаб «ёғлиқ жой» қидиришмайди. Чунки, аёллик ғурури, оналик виждони бунга йўл қўймайди.

Бизнинг мактабимиз ўқитувчилар коллективининг 70 процентини аёллар ташкил қилади. Улар орасида 25—30 йил ишлаган оналаримиз, 10—11 фарзанд тарбиялаган «Қаҳрамон оналаримиз» бор. Мен ана шундай заҳматкаш, иродали аёллар билан ёнма-ён ишлаётганимдан беҳад бахтиёрман.

Келинглар дугонажонлар, ўз касбимизни шарафлаб, меҳнатимизни қадрлайлик!..

Замира БЕКПЎЛАТОВА,
Оққўрғон район, «Партия XXII съезди» колхозидаги Ленин номли 9-ўрта мактаб ўқитувчиси.

РЕКЛАМА ва ЭЪЛОНЛАР

В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси ва Тошкент экскаватор заводи базасидаги

86-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1981—1982 ўқув йилига

ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БУЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ТОКАРЬ (программали бошқариладиган станокда ишловчи). Ёши 15 ва ундан катталар. Ўқиш муддати—3 йил.

УЧИШ АППАРАТЛАРИНИ ЙИҒУВЧИ СЛЕСАРЛАР. Ёши 15 ва ундан катталар. Ўқиш муддати—3 йил.

СЛЕСАРЬ-МЕХАНИК. Ёши 15 ва ундан катталар. Ўқиш муддати—3 йил.

САНОАТ ЖИҲОЗЛАРИ РЕМОНТИ БУЙИЧА СЛЕСАРЬ. Ёши 15 ва ундан катталар. Ўқиш муддати—3 йил.

ДИПЛОМЛИ ГАЗ-ЭЛЕКТР ПАЙВАНДЧИ. Ёши 15 ва ундан катталар. Ўқиш муддати—3 йил.

ЭЛЕКТР КУТАРМА КРАНЛАРИ МАШИНИСТИ. Ёши 15 ва ундан катталар. Ўқиш муддати—3 йил.

ОТК КОНТРОЛЕРИ. Ёши 15 ва ундан катталар. Ўқиш муддати—3 йил.

АВТОСЛЕСАРЬ. Ёши 15 ва ундан катталар. Ўқиш муддати—3 йил.

МЕТАЛЛ БУЙИЧА УНИВЕРСАЛ ТОКАРЬ. Ёши 16 ва ундан катталар. Ўқиш муддати—1 йил. Бу касбдагиларга 80 сўм ҳажмида стипендия тўланади.

РЕМОНТЧИ-СЛЕСАРЬ (саноат жиҳозлари бўйича). Ёши 16 ва ундан катталар. Ўқиш муддати—1 йил. Бу касбдагиларга 70 сўм ҳажмида стипендия тўланади.

СЛЕСАРЬ-МЕХАНИК (механик—йигув ишлари). Ёши 16 ва ундан катталар. Ўқиш муддати—1 йил.

ЭЛЕКТР КУТАРМА КРАНЛАРИ МАШИНИСТИ. Ёши 17 ва ундан катталар. Ўқиш муддати—1 йил. Бу касбдагиларга 70 сўм ҳажмида стипендия тўланади.

ЭЛЕКТР ПАЙВАНДЧИ. Ёши 17 ва ундан катталар. Ўқиш муддати—1 йил. Бу касбдагиларга 30 сўм ҳажмида стипендия тўланади.

ОТК КОНТРОЛЕРИ. Бу касбга қизлар имтиёзли равишда қабул қилинади. Ёши 17 ва ундан катталар. Ўқиш муддати—1 йил.

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАН ЙИГИТЛАР ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юртига қабул қилинганлар уч маҳал иссиқ овқат ва кийим бош билан таъминланадилар.

Ўқиш муддати иш стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртида 2 та техника ижодкорлари тўгараги, радиохаваскорлар тўгараги, фото тўгарак, 8 та бадиий ҳаваскорлар тўгараги, ўзбек халқ чолғу-асбоблари музикали ансамбли, вокал-чолғу асбоблари ансамбли ва ҳоказолар мавжуд.

10 та спорт секцияси ишлаб турибди.

Ёзги каникул даврида ўқувчилар «Чимён» лагерига борадилар, ватанимиздаги қаҳрамон шаҳарларда бўладилар.

БИЛИМ ЮРТИНИ ТАМОМЛАГАНЛАР ОЛИЙ УҚУВ ЮРТИГА ИМТИЁЗЛИ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ариза, таржимаи ҳоли, туғилганлиги ҳақида гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти тўғрисида гувоҳнома ёки аттестат, турар жойидан справка, медицина справкаси (286-форма), 3х4 см. ҳажмидаги 6 та фотосурат.

МАШҒУЛОТЛАР—1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Содиқов кўчаси, 6-уй (4, 5-троллейбусларнинг «Экскаватор заводи», 3, 22, 23, 29-трамвайларнинг «Старт» стадиони» бекатлари). Телефон: 35-61-30.

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК КОМБИНАТИГА

йигирувчилар, ҳом ип тайёрловчилар, маҳсулотларни чиқариб олувчилар, лентачилар, тароқчилар, титиш машиналарининг операторлари, зарядловчилар, ўровчилар, йигирув ва тўқув корхонасининг мастер ёрдамчилари, слесарь-ремонтчилар, электромонтёрлар, раклистлар. Елғизлар ётоқхона билан таъминланадилар.

МУРОЖААТ УЧУН АДРЕСЛАР:

МАРКАЗИЙ ПУНКТ — Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона.
ЛЕНИН РАЙОН ПУНКТИ — Т. Шевченко кўчаси, 56-уй.
ОКТЯБРЬ РАЙОН ПУНКТИ—У. Юсупов кўчаси, 3-уй.
ЧИЛОНЗОР РАЙОН ПУНКТИ — 2-квартал, 3-уй.
ҲАМЗА РАЙОН ПУНКТИ — М. Ҳасанова кўчаси, 3-уй.
ФРУНЗЕ РАЙОН ПУНКТИ — Ш. Руставели кўчаси, 62-уй.
КИРОВ РАЙОН ПУНКТИ — Энгельс кўчаси, 89-уй.
КУЙБИШЕВ РАЙОН ПУНКТИ — К. Маркс кўчаси, 59-уй.
А. ИКРОМОВ РАЙОН ПУНКТИ—22-квартал, 13-уй.
С. РАҲИМОВ РАЙОН ПУНКТИ — Қорасарой кўчаси, 270-уй.
СЕРГЕЛИ РАЙОН ПУНКТИ — райисполком, Совет Армияси майдони.

ТОШКЕНТ «КРАСНОВОСТОЧНОЕ» ТРАМВАЙ-ТРОЛЛЕЙБУС ДЕПОСИ

трамвай ва троллейбус ҳайдовчиларини тайёрлайдиган курсга

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ЎҚИШ МУДДАТИ: трамвай ҳайдовчилари учун — 5 ой; троллейбус ҳайдовчилари учун — 6 ой.

Ойига 70 сўм стипендия тўланади.

Елғизларга ётоқхона берилади ва Тошкент шаҳрига прописка қилинадилар.

Қабул қилинганлар шаҳар электр транспортида бепул юрадилар ва махсус кийим-бош билан таъминланадилар.

Бизнинг адрес: 700125, Тошкент шаҳри, Красновосточное кўчаси, 39-уй (1, 17, 10-автобуслар; 18-троллейбус, 13, 22-трамвайларнинг «Красновосточное» депоси бекати).

Табиат эҳсонлари

ШИФОБАХШ ГИЁҲЛАР

Серқуёш республикамизнинг ўсимликлар дунёси жуда бой. Унинг бағрида 4 мингдан зиёд ўсимлик турлари бўлиб, уларнинг 600 га яқини шифобахшдир. Бундай хусусиятга эга бўлган гиёҳларни ўлкамизнинг ҳамма ерида—ўрмонлардан тортиб, дала, қир, яйлов, чўл ва ҳатто сахроларда, сервиқор тоғ чўққиларида учратиш мумкин.

Ҳозирда медицинада қўлланилаётган дори-дармонларнинг қарийб 40 фоизидан ортиғини ўсимлик маҳсулотлари ташкил қилади. Табиат неъматларидан олинадиган дори-дармонлар кимёвий-сунъий йўл билан олинадиган препаратларга нисбатан афзаллиги билан ажралиб туради. Табиат эҳсонларидан таркиб топган дори-дармонлар деярли асоратсиз ҳисобланади.

Бошқармамиз ходимлари Тошкент фармацевтика институти олимлари билан биргаликда шифобахш ўсимликларни излаб топиш борасида тинимсиз изланмоқдалар. Доривор ўсимликларни йиғиш ва тайёрлаш ишлари бошлаб юборилди. Фармацевтика саноатида, дорихоналарда, илмий-текшириш институтларида кўплаб қўлланилаётган доривор ўсимликларни ўз вақтида йиғиб олиш, уларнинг таркибидаги биологик актив моддаларнинг сақланиб қолишида катта роль ўйнайди. Маълумки, бундай моддалар ўсимликларнинг турли органларида бир хилда учрамайди. Шу сабабли уларни турли вақтларда йиғиштириб олишга тўғри келади.

Ўсимликларнинг ер остки органлари (илдизи, илдиз пояси туганаги ва пиёзбошиси) одатда ўсимлик уйқуга кирган даврда — кеч кузда ёки ўсимлик уйғонмасдан олдин — эрта баҳорда тайёрланади. Ўсимликларнинг ер устки қисми эса (пояси, барги ва гуллари) ўсимлик гуллаганда, поянинг энг тагидаги барги олдидан ўриб олинади.

Барглар одатда ўсимлик гуллаши олдидан ёки гуллаганида, унга зарар етказмасдан йиғиб олинади. Лекин шуни эътиборда тутиш керакки, тайёрланадиган дориворларнинг ҳаммаси ёввойи ҳолда ўсадиган ўсимликлар. Шунинг учун уларни йиғиш вақтида жуда эҳтиёткорлик талаб қилинади. Зеро, ўсимликнинг барги учунгина илдизи билан суғуриб олиш табиий бойлигимизга катта зарар етказади.

Область дорихоналар бош бошқармаси томонидан доривор ўсимликларни йиғишда актив қатнашган кишиларни рағбатлантириш масаласига бу йил ҳам катта эътибор берилади. Уйлаймизки, кенг жамоатчилик доривор гиёҳларни йиғиб-териб олиш ва уларни район дорихоналарига топшириш ишларига ўз улушини қўшади.

Ҳ. ДАВЛАТОВ,
область дорихоналар бошқармасининг бошлиғи.



Кўҳна Тянь-Шань тоғ тизмаларн бу ерга келувчи саёҳатчилар ва туристларга ҳар доим табиатнинг такрорланмас ва нодир мўъжизаларини намойиш этади. Суратларда: (юқорида) қучоққа сиғмас арча. Илдизлари тарвақайлаб кетган бу дарахт 150 ёшда; улкан қўзиқоринлар. Уларнинг диаметри 30 сантиметрдан ошиқ.

В. Таран фотолари.

АРМАНИСТОН КУЙЛАРИ

Арманистон ССРдаги Туманян район маданият уйининг ҳаваскорлик халқ чолғу асбоблари ансамбли коллективи Тошкентга қилган ижодий сафарини тугаллади. Қардош республикадан келган меҳмонлар бир ҳафта мобайнида пойтахтдаги Ленин комсомоли ва Тельман номли маданият ва истироҳат боғларида музика ихлосмандларига «Арманистон куйлари гулдастаси» деб номланган программани намойиш этдилар. Шунингдек, улар Тошкент маданий оқартув техникумида бўлиб, ўқувчилар билан учрашдилар. Октябрь район маданият уйининг «Баёт» халқ рақс ансамблининг фаолияти билан танишдилар.

А. АЛИМОВ.

ДИҚҚАТ! ГАЗ МАГИСТРАЛЛАРИ!

Сиз истиқомат қилаётган район территориясидан умумдавлат аҳамиятидаги қимматли иншоот —газ қувури магистраллари трассаси ўтган.

Ҳар бир гражданининг бурчи — газ қувури ва унинг иншоотларига (алоқа линиялари, кранлар, кўрсаткич белгилари, катод станцияларива бошқаларга) эҳтиётлик билан муносабатда бўлиш.

Газ қувури — портлаш ва ёнғинлар келтириб чиқарадиган хавфли манба эканлигини унутманг!

Газ қувури муҳофазаси зонасида инсон ҳалокати ва моддий зарарларни келтириб чиқармаслик мақсадида (газ қувурининг асосий ўқидан 250 метр атрофида) **қуйидаги ишларни бажариш қатъиян ман этилади:**

бинолар қуриш;

дала шийпонларини бунёд этиш;

одамлар, техника, молларни йигадиган жойга айлантириш.

«Узбектрансгаз» ишлаб чиқариш бирлашмасининг розилиги олинганидан кейин газ қувури муҳофазаси зонасида қишлоқ хўжалиги ва қурилиш-монтаж ишларини бажариш мумкин.

Аҳоли, корхоналар, қурилиш ташкилотлари, колхозлар ва совхозлар, қурилишлар раҳбарлари, прораблар ва механизаторлар диққатига!

Узбекистон ССР территориясидан қуйидаги магистраль газ қувурлари ўтказилган:

Жарқоқ—Бухоро—Самарқанд—Тошкент;

Янгиер—Қўқон—Фарғона—Андижон;

Қўқон—Наманган—Андижон;

Бухоро газ райони — Тошкент—Фрунзе—Олмаота;

Газли—Когон;

Келиф—Муборак ва ундан ўтказилган шохобчалар;

Шўртон—Сирдарё ГРЭСи — улкан газ қувури таркибида олтингугурт кам бўлган газни транспортировка қилади (муҳофаза зонаси — газ қувурининг ўқидан 500 метр атрофида олинган).

Газ қувурлари муҳофаза зонасида қолиб кетган бинолар ва иншоотларни бузиш керак.

Муҳофаза этилаётган газ қувурлари ва ЛЭП зонасида қурилиш ва ер кавлаш ишларини ўзбошимчалик билан олиб бориш аварияларга, бахтсиз ҳодисалар, моддий зарар ва бошқа кўнгилсиз оқибатларни келтириб чиқариши мумкин.

Қолхозлар, совхозлар ва «Госкомсельхозтехника» бирлашмалари раҳбарларининг диққатига!

СН-452-73 маркали магистраль газ қувурлари учун нормага биноан ерлар ажратилган жойларда ер остидан ўтган магистраль қувурларнинг устида ерлардан фойдаланишда қувурларнинг бутунлигига зарар етказилмайдиган тартиб-қоидаларига риоя қилиш керак.

Дала ишларини хавфсиз ўтказишни таъминлаш учун газ қувури ўтказилган районларда ерлардан фойдаланиш мақсадида «Узбектрансгаз» ишлаб чиқариш бирлашмасининг розилигини олиш шарт. (Тошкент шаҳри, ГСП, Педагогика кўчаси, 31 «а»-уй).

Розиликларни олиш учун Когон, Оқтош, Ғаллаорол, Фарғона, Оғалиқ шаҳарларидаги магистраль газ қувурлари бошқармаларига мурожаат қилиш мумкин.



Магистраль газ қувурлари атрофларида эътиборли ва эҳтиётли бўлинг.

«УЗБЕКТРАНСГАЗ» ишлаб чиқариш бирлашмаси.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Узбекистон агентлиги.

СПОРТ СПОРТ СПОРТ СПОРТ СПОРТ СПОРТ СПОРТ СПОРТ СПОРТ СПОРТ СПОРТ СПОРТ

ҲИСОБ—3:0

«Пахтакор»—«Нефтчи» — 3:0. Петрушин 26-минут, Кабаев 75-минут, Якубик 89-минут. Томошабиклар сони 5100.

Мамлакат футбол чемпионати навбатдаги турнинг Тошкентда бўлиб ўтган ўйинидан сўнг, Марказий «Пахтакор» стадионидаги электрон таблода ана шу сўзлар езиғлиқ эди. Тошкентлик футбол ишқибозлари футболчиларимизнинг ўз майдонларидаги кетма-кет мағлубиятларидан сўнг, ниҳоят ғалаба нашидасини сурдилар. Бохулиқ футболчилар билан бўлган учрашувда улар чиройли ўйин намойиш этишди: ўз услубларн борлигини, жанговар кайфиятда эканликларини кўрсата билдилар. Буни, меҳмонлар дарвозаси олдида содир бўлган хавфли вазиятлардан дарвозага киритилган тўплар сонидан билиб олса бўлади.

Ўйиннинг биринчи ярмидан сўнг 1:0 ҳисобида мағлубиятга учраб турган меҳмонлар асосий эътиборни ҳужумга қаратдилар. Кўплашиб ҳимоя чизигини ёриб ўтишга ҳаракат қилишди. Лекин, ҳимоячилар ва дарвозабон ўз ўрнида мустаҳкам эдилар. Пахтакорчилар эса асосан қарши ҳужумга зўр беришди.

Ярим ҳимоячиларимиз майдонни кўра билишлари, ҳужумчилар имкониятларини тўғри ҳисобга олишлари натижасида бир неча марта ҳужумчилар меҳмонлар дарвозабони билан яккама-якка чиқдилар. Семенко, Кухлевский, Якубик, Новиковлар қулай имкониятлардан фойдалана олишмади, шошмашошарликка йўл қўйишди. Ўйин давомида ҳар икки коллектив аъзоларининг ҳам техник ва тактик жиҳатдан яхши тайёрланмаганликлари сезилиб турди. Бу, аввало, тўп ошириладиган ҳатоликларда ўз аксини топди.

Ёш ҳужумчи Марат Кабаевнинг дадил ҳаракатларини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Сўнгги икки тўп асосан унинг хизматлари эвазига дарвозага киритилди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд қилинди: «Спартак» — «Днепр» — 3:1, «Динамо» [Тб] — ЦСКА —2:1, «Динамо» [М] — «Шахтёр» — 1:1, «Қайрат» — СКА — 1:0, «Зенит» — «Динамо» [К] 1:3, «Арарат» — «Торпедо» —3:2, «Динамо» [Мн], — «Черноморец» — 1:1.

13 турдан сўнг командаларнинг турнир жадвали билан танишинг:

Командалар	Ю	Д	М	Т	О
«Динамо» [К]	9	4	0	16—5	22
Спартак	7	2	3	22—13	16
Торпедо	6	4	3	14—9	16
Динамо [Тб]	6	3	4	20—12	15
Қайрат	5	5	3	14—12	15
Арарат	5	5	4	13—12	15
Динамо [М]	5	4	4	16—11	14
ЦСКА	5	4	4	16—13	14
Зенит	5	3	5	16—16	13
Динамо [Мн]	4	5	3	11—10	13
Таврия	4	4	5	11—12	12
Нефтчи	3	6	5	8—16	12
Шахтёр	4	3	5	13—12	11
Кубань	4	2	7	10—14	10
СКА	3	4	6	13—21	10
Черноморец	3	4	6	10—15	10
Пахтакор	3	1	8	11—17	7
Днепр	2	3	8	10—24	7

Р. ШЕРАЛИЕВ.

Редактор ўринбосари
Р. УМАРОВ.

Телевидение

МТ-«ВОСТОК»

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Фильм-спектакль. 12.40 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Кинопрограмма. 16.05 — Концерт. 16.20—Сизга манзур шеърлар. 16.50 — Телевизион бадиий фильм. 18.00 — Ёшлар адреслари. 19.00 — Қувноқ нотачалар. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.35 — Фан оламида. 20.15 — Кинолавҳа. 20.25 — Телевизион бадиий фильм, 1-серия. 21.30 — Время. 22.00 — СССРда Монголия Халқ Республикаси маданияти кунларининг очилиши.

Уз ТВ-I

18.15 — Кўрсатувлар программаси. 18.20 — Мультфильм. 18.35 — Жонажон ўлка. 19.05 — Миллионлар ленинча университети. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Концерт. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Э. Воҳидов лирикаси. 21.30—Время. 22.00—Пахтакорларнинг шу кунги муҳим вазифалари. 22.15 — Бадиий фильм. 23.45—Кўрсатувлар программаси.

Уз ТВ-II

18.35 — Кўрсатувлар программаси. 18.40 — Оқ тери. 18.50 — Она тили. 19.30 — «Ёшлик». 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Телефильм. 21.10 — Физика.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ УЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 9/VI да **Келинлар кўзголони**, 10/VI да **Кузнинг биринчи куни**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ УЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 10/VI да **Ҳиҗрон**.

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 9/VI да **Кулги кечаси. Хайрлашув гастроллари.**

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П, ЛЕНИН кўчаси, 41

Телефонлар: редактор ўринбосарлари -335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645, саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги—325647; адабиёт ва санъат—325767; совет қурилиши — 325645; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик— 325733; фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325553; фотомухбир—325894.

Р. 02044 Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64683. В. 1621.